

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.

2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМАНОВА ДИЛНОЗА ФУРКАТОВНА

ЮРАК НУҚСОНИ БИЛАН ТУҒИЛГАН ЭРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ  
ЮРАК ЖАРРОҲЛИГИГАЧА ОЛИБ БОРИШ УСУЛИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.09 - Педиатрия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Абдурахманова Дилноза Фуркатовна**

Юрак нүксони билан туғилған эрта ёшдаги болаларни юрак жарроғлигигача олиб бориши усулинин такомиллаштириш .....	3
--	---

**Абдурахманова Дилноза Фуркатовна**

Оптимизация тактики ведения детей раннего возраста с врождёнными пороками сердца до кардиохирургического вмешательства .....	31
--	----

**Abdurahmanova Dilnoza Furkatovna**

Optimization of early childhood management tactics age with congenital heart defects before cardiac surgery .....	57
--	----

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ List of published works.....	63
---	----

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.  
2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУРАХМАНОВА ДИЛНОЗА ФУРКАТОВНА**

**ЮРАК НУҚСОНИ БИЛАН ТУҒИЛГАН ЭРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ  
ЮРАК ЖАРРОҲЛИГИГАЧА ОЛИБ БОРИШ УСУЛИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.09 - Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2024.1.PhD/Tib4264 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталаида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Акрамова Хурсаной Абдумаликовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Шамансурова Элмира Амануллаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Куртиева Шадия Асановна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_\_\_» куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-й. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-й. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.В. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Т.А. Набиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**К.Н. Хайтов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда болалар орасида юрак ва қон томирлар тизими аномалиялари билан туғилиш сони ортиб бормоқда, улар орасида ўлим ҳолатини камайтириш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилаш муаммоси педиатрияда долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...туғма ривожланиш нуқсонлари натижасида ҳар йили ҳаётнинг дастлабки 4 ҳафтаси ичидаги 303 000 нафар чақалоқ ҳаётдан кўз юмади. Ривожланиш нуқсонлари узоқ муддатли ногиронликка олиб келиши мумкин бўлиб, бу алоҳида инсонларга, уларнинг оилаларига, соғлиқни сақлаш тизимларига ва жамиятга жиддий таъсир кўрсатади...»<sup>1</sup>. Бунда, туғма юрак нуқсонлари (ТЮН) организмнинг ривожланиши билан боғлиқ барча нуқсонларнинг учдан бир қисмини ташкил этади ва улар ҳар 1000 тирик туғилган болаларнинг 8–12 нафарида учрайди. Болаларда кардиохирургик ёрдамга эҳтиёж мавжудлиги ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди. Бу борада тажриба тўпланиши баробарида, даволаш усуллари ҳам такомиллашди, у ёки бу турдаги жарроҳлик операцияларини бажаришга қатъий кўрсатмалар белгилаб олинди. Туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларда ўзига хос ривожланиш хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларнинг негизида юрак-қон томир тизими патологияси ётади. ТЮН тури, оғирлик даражаси, нуқсонни тузатиш ёши ва бошқа бир қатор омиллар бевосита жисмоний ва соматик ривожланиш бузилишлари каби нокардиологик асоратларнинг ифодаланиш даражасига таъсир кўрсатади, улар болалар организмининг ТЮН шароитига мослашуви механизмлари билан боғлиқ.

Дунёда ТЮН бўлган эрта ёшдаги болаларни кардиохирургик аралашувгача бўлган даврда олиб бориш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларда операциядан кейинги даврда организмнинг мослашув (адаптация) имкониятларига таъсир этувчи клиник-функционал ва лаборатор кўрсаткичларни ўрганишга йўналтирилган илмий изланишларни олиб бориш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда. Айниқса, операциядан кейинги адаптацион жараёнларда бола организмининг ҳолатини баҳолашда D витамини ва соматомедин С миқдорини мослашувнинг биомаркерлари сифатида ўрганиш алоҳида илмий-назарий ҳамда амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, тиббий хизматни жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш мақсадида «аҳолига кўрсатиладиган бирламчи тиббий-санитар ёрдам сифатини яхшилаш, тиббиёт ходимлари фаолияти самарадорлигини қўллаб-қувватлаш ва ошириш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгилаб берилган. Бу борада вазифаларни амалга ошириш жараёнида ТЮН бўлган болаларда кардиохирургик аралашувлардан

<sup>1</sup> <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/congenital-anomalies>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сонли “Бирламчи тиббий санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

олдин ва кейинги даврда организмдаги мослашув жараёнларининг клинико-патогенетик хусусиятларини ўрганиш, шунингдек эрта ёшдаги бундай болаларни кардиохирургик операциягача бўлган даврда олиб бориш усулларини такомиллаштиришни илмий жиҳатдан асослаш тиббиёт соҳасидаги энг устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шартшароитлар яратиш тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сонли “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа мейёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё олимлари тадқиқотларига кўра туғма юрак нуқсонлари - болалар соғлиғига жиддий таъсир кўрсатувчи ва кўп ҳолларда ногиронликка олиб келувчи энг кўп учрайдиган туғма аномалиялардан бири ҳисобланади (Игнатьева А.В. ва ҳаммуаллифлар, 2020; Замараева Д.В. ва ҳаммуаллифлар, 2021). Маълумки, болаларнинг организмида энг жадал ўсиш ва ривожланиш жараёнлари асосан эрта ёшда кечади (Бокерия Е.Л., 2020). Шу сабабли бола соғлиғини баҳолашнинг асосий мезони сифатида жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари қабул қилинган (Демикова Н.С., Кобринский Б.А., 2016; Драпкина О.М. ва ҳаммуаллифлар, 2020). Коморбид патологиялар ва жисмоний ривожланишнинг бузилишлари операцияни хавф остига қўядиган муҳим омиллардан бири бўлиб, туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларнинг тахминан 30 фоизида аниқланади (Клайдайтер У.С., 2022). Бу ҳолатлар асосий касаллик кечишини оғирлаштирадиган жиддий хавф омиллари ҳисобланади (Кудаяров Д.К. ва ҳаммуаллифлар, 2016; Самсыгина Г.А., Щербакова М.Ю., 2018; Коваленко А.А. ва ҳаммуаллифлар, 2021). Шунингдек, соматик ва жисмоний ҳолатдаги ҳар қандай бузилишлар нафақат маҳаллий, балки умумий иммунитет тизимида ҳам жиддий ўзгаришларни юзага келтиради (Милиевская Е.Б., 2016; Нелунова Т.И. ва ҳаммуаллифлар, 2018; Самолюк М.О., Григорьева Н.Ю., 2019).

Хозирги вактда D витаминининг плейотроп таъсири, жумладан унинг ТЮН бўлган болалар организмига таъсири ҳақидаги маълумотлар тобора кўпайиб бормоқда. D витамини инсон организмидаги кўплаб аъзолар ва тизимлар фаолиятида муҳим рол ўйнайди (McNally J.D. ва ҳаммуаллифлар, 2018; Dohain A.M. ва ҳаммуаллифлар, 2020). D витамини рецепторлари юрак-қон томир тизими (ЮҚТТ)нинг барча асосий хужайра турларида, жумладан, томирларнинг силлиқ мушак хужайралари, эндотелий хужайралари,

кардиомиоцитлар, шунингдек, иммун тизими ҳужайралари ва тромбоцитларда аниқланган (Passeri E. ва ҳаммуаллифлар, 2016; Ye X. ва ҳаммуаллифлар, 2021).

Қонда кальцидиолнинг оптимал миқдори эндотелийнинг нормал фаолиятини таъминлайди, томир тонусини меъёрда ушлаб туради, тромб ҳосил бўлиш ва фибринолиз жараёнлари ўртасидаги мувозанатни сақлайди, кардиомиоцитларнинг қисқариш қобилиятини яхшилайди, ҳамда қон томир девори тўқималаридағи яллиғланиш ва иммун жавоб реакцияларининг физиологик даражада кечишини таъминлайди. Шунингдек, тадқиқотларда қон зардобида D витамини миқдорининг юқори бўлиши липид алмашинувининг оптимал профили билан боғлиқлиги ҳақида маълумотлар ҳам олинган (Graham E.M. ва ҳаммуаллифлар, 2017; Dohain A.M. ва ҳаммуаллифлар, 2020). ТЮНли болаларда юрак етишмовчилиги шаклланиши ушбу болаларда касалликнинг клиник кечиш хусусиятларини, ҳаёт сифатини ва давомийлигини белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланади. Шу боис, болаларда сурункали юрак етишмовчилигини (СЮЕ) эрта ташхислаш ва унинг кечишини прогноз қилиш мақсадида сўнгги йилларда В-типдаги натрийуретик пептид (B-type natriuretic peptide, BNP) миқдорини аниқлаш усули кенг қўлланилмоқда, у болалар ёшига қараб фарқланади. Эрта ёшдаги болаларда, клиник белгилари кам ифодаланган, симптоматикаси специфик бўлмаган ва турли мутахассислар томонидан субъектив баҳоланиши эҳтимоли юқори бўлган шароитларда, юрак-қон томир тизими шикастланиш даражасини баҳолаш учун объектив воситаларга эга бўлиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда (Бабаченко И.В. ва ҳаммуаллифлар, 2020; Passeri E. ва ҳаммуаллифлар, 2016).

Ўзбекистонлик олимлар томонидан Оролбўйи миңтақасида яшайдиган, кардиомиопатия билан касалланган болаларда касаллик пайдо бўлишининг клиник-функционал мезонлари, эрта ташхис қўйиш, прогноз ва коррекция усулларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар (Аҳмедова Н.Р., 2020; Рузматова Д.М., 2020), шунингдек, бола организмида бириктирувчи тўқима дисплазиясининг кардиал кўринишлари билан кечувчи ҳолатларда юрак-қон томир патологияларининг шаклланиш хусусиятлари (Ахаррова Ф.М., 2020), ТЮН ли уч ёшгача бўлган болаларнинг жисмоний ривожланиш даражаси (Сайдова С., 2021), ҳамда Самарқанд вилоятида яшовчи болаларда ТЮН ривожланиш сабаблари (Нурматов О.А. ва ҳаммуаллифлар, 2023) каби масалалар бўйича илмий изланишлар ўтказилган. Бироқ, маҳаллий илмий адабиётларда туғма юрак нуқсонлари бўлган эрта ёшдаги болаларни кардиохирургик аралашувгача бўлган даврда олиб бориш усули ва уни такомиллаштириш масалаларига бағишланган тадқиқотлар деярли ёритилмаган.

Шуни таъкидлаш жоизки, туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларнинг операциядан олдинги соғлиғи ҳолати, жисмоний ривожланиши ва биокимёвий кўрсаткичлари (соматомедин С, D витамини ва N-proBNP) ни ўрганиш ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Чунки бундай текширувлар натижалари операциядан кейинги даврнинг яқин ва узоқ муддатли кечишини прогноз қилишга, шунингдек эрта ёшдаги ТЮН бўлган болаларни операциягача бўлган даврда олиб боришнинг такомиллаштирилган усулларини ишлаб чиқишига имконият беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг педиатрия йўналишидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** туғма юрак нуқсонлари бўлган эрта ёшдаги болаларнинг саломатлиги ҳолати, жисмоний ривожланиши ва биокимёвий кўрсаткичларини баҳолаш асосида уларни операциягача бўлган даврда олиб бориш усулини такомиллаштириш иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

туғма юрак нуқсонлари бўлган эрта ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланиши ва соматик ҳолатини баҳолаш;

ТЮН бўлган эрта ёшдаги болаларда операциягача ва операциядан кейинги даврларда D витамини ва соматомедин С кўрсаткичларининг диагностик аҳамиятини аниқлаш;

ТЮН бўлган болалар қонида операциягача ва операциядан кейинги босқичларда N-терминал натрийуретик пептидининг (NT-proBrain Natriuretic Peptide - N-proBNP) миқдорини баҳолаш;

ТЮН бўлган эрта ёшдаги болаларни олиб бориш усулини ишлаб чиқиши, ҳамда уларнинг кардиохирургик аралашувдан олдин ва кейинги самарадорлигини таҳлил қилиш.

**Тадқиқот обьекти.** Ушбу ТЮН бўлган 144 нафар болани қамраб олган проспектив тадқиқот натижалари таҳлил қилинди. Тадқиқотда қатнашган болаларнинг ёши 3 ойдан 3 ёшгача бўлган. Барча иштирокчилар 2 гурӯхга бўлинди: Асосий гурӯх - 102 нафар бола, уларда операциягача бўлган даврда олиб бориш усулини такомиллаштирилган; таққослаш гурӯхи - 42 нафар бола, улар стандарт операциягача бўлган олиб бориш усули бўйича кузатилган. Назорат гурӯхи 20 нафар ёш ва жинси бўйича мос келувчи соғлом болалардан ташкил топган.

**Тадқиқот предмети.** Биокимёвий таҳлиллар учун олинган веноз қон ва қон зардоби.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот ишида антропометрик, умумий клиник, биокимёвий, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагича ифодаланади:**

Д витаминининг ўзи етишмаганда, яъни соматомедин С миқдори меъёрда бўлганда ТЮН ли болаларда жисмоний ривожланиш бузилишлари хавфини 2,7 баравар ошириши исботланди ( $OR=2,7$ ;  $p=0,04$ ), шунингдек, D витамини меъёрда бўлиб, соматомедин С миқдорининг пасайиши ҳам ривожланиш орқада қолиш эҳтимолини 3,9 баравар оширади ( $OR=3,9$ ;  $p=0,01$ ). Бироқ, уларнинг бир вактда пасайиши салбий таъсирни қарийб 9 бараварга кучайтириши исботланган;

ТЮН ли болаларда соматомедин С нинг паст қийматларида тана вазни, бўйи ва тана вазни индекси (ТВИ) кўрсаткичлари жиддий орқада қолиши исботланди. Бунда, корреляцион таҳлил натижалари соматомедин С нинг энг кучли боғланиши тана вазни индекси билан эканлигини кўрсатди ( $r=0,51$ ;  $p<0,001$ ), бу эса ТЮНли болаларда операциягача бўлган гемодинамик бузилишлар шароитида нутритив статус шаклланишида унинг муҳим ролини тасдиқлайди.

NT-proBNP даражаси 1500 пг/мл дан юқори бўлган ҳолатлар жисмоний ривожланишнинг кечикиши учун прогностик белги (предиктор) эканлиги ва хавфни қарийб 7 баравар ошириши аниқланди, соматомедин С даражаси билан тескари боғланиш кузатилди ( $r=+0,48$ ;  $p<0,01$ ). Аммо шу билан бирга, D витамини ва соматомедин С ўзаро синергик таъсир кўрсатади, яъни бола организмининг ўсиши жараёнларини қўллаб-қувватлади. NT-proBNP эса антагонистик маркер сифатида намоён бўлиб, юрак патологияси оғирлигини ва ривожланиш кечикиши хавфини акс эттиради.

ТЮНли болаларни кардиожарроҳлик аралашувларидан такомиллаштирилган усулдан фойдаланиб, нутритив қўллаб-қувватлаш ва даволовчи дозаларда витамин D, ёшга мос дозада триметабол ва қўллаш самарадорлиги исботланган, бу ёндашув операциягача бўлган тайёргарлик босқичидаёқ оқсил-энергетик, витамин ва метаболик статусни ишончли даражада яхшилайди ( $p<0,05-0,01$ ), шунингдек операциядан кейинги дастлабки даврда (1 ой ўтгач) катаболик йўқотишларни камайтиради (умумий оқсил бўйича  $p<0,05$ , альбумин бўйича  $p<0,05$ ).

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

жисмоний ривожланишнинг кечикиши, оқсил-энергетик етишмовчилик ва гемодинамик ўзгаришлар оғирлигини тахмин қилиш учун D витамини, соматомедин С ва NT-proBNP миқдорларини динамик назорат қилиш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланди;

ТЮНли болаларни кардиожарроҳлик аралашувларидан олдин нутритив қўллаб-қувватлашнинг такомиллаштирилган усулини - D витаминини (3000 ХБ) ва 2 ёшдан кейин триметабол (ёшга мос дозада – 2,5 мл, кунига 3 марта) қўллаш самарадорлиги асосланган. Бу усулнинг метаболик захираларни мустаҳкамлаш, компенсатор имкониятларни ошириш ҳамда юракнинг функционал тикланиш жараёнларига ижобий таъсир кўрсатиши исботланди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда замонавий, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, инструментал, биокимёвий ва статистик усуллар қўлланилганлиги, етарли сондаги беморлар текширилганлиги, ТЮНли болаларда операциягача бўлган даврда адаптацион бузилишларни эрта ташҳислаш механизмлари такомиллаштирилганлиги, шунингдек олинган натижаларнинг ҳалқаро ва маҳаллий тажриба билан солиширилиши ҳамда хулосаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ТЮНли болаларда жисмоний ривожланиш ва соматик ҳолат бузилишларининг патогенетик механизмлари илмий жиҳатдан асосланган. NT-proBNP миқдорини интеграл биомаркер сифатида баҳолаш мумкин - у нафақат юрак етишмовчилигининг ифодаланганлик даражасини, балки ТЮН бўлган болаларда операциягача бўлган даврда жисмоний ривожланишнинг орқада қолиш эҳтимолини ҳам акс эттиради. Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, D витамини ва соматомедин С ўзаро синергик таъсир кўрсатиб, бола организмининг ўсиш ва ривожланишини қўллаб-қувватлади, NT-proBNP эса антагонистик маркер сифатида намоён бўлиб, юрак патологияси оғирлигини ва ривожланиш кечикиши хавфини ифода этади.

Ишнинг амалий аҳамияти шунда ифодаланадики, тадқиқотда олинган натижалар ТЮНли болаларда операциядан кейинги даврда адаптацион бузилишлар ривожланиш эҳтимолини олдиндан аниқлаш имконини беради, операциядан олдинги нутритив қўллаб-қувватлаш тизими таркибига D витамини (3000 ХБ) ва 2 ёшдан кейин Триметаболни (ёшга мос дозада - 2,5 мл, кунига 3 марта) киритиш метаболик захираларни мустаҳкамлайди, компенсатор имкониятларни оширади ҳамда юрак функциясининг тикланишини тизимли равишда яхшилайди.

**Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш:** Саломатлик ҳолати, жисмоний ривожланиш ва биокимёвий қўрсаткичларни баҳолашни акс эттирувчи олинган илмий натижалар асосида ТЮН билан касалланган эрта ёшдаги болаларни операциядан олдинги олиб бориш усулини такомиллаштирилди:

**биринчи илмий янгилик:** нормал соматомедин С фонида изолятсияланган Д витамини танқислигининг мавжудлиги ТЮН билан оғриган болаларда жисмоний ривожланишининг бузилиши хавфини 2,7 баравар ( $OP=2,7$ ;  $p=0,04$ ) ошириши, Д витамини миқдорининг нормал бўлиши шароитида изолятсияланган соматомедин С нинг пасайиши ривожланишдан орқада қолиш эҳтимолини 3,9 баравар ( $OP=3,9$ ;  $p=0,01$ ) ошириши аниқланди. Бироқ, уларнинг биргаликдаги этишмовчилиги салбий таъсирни деярли 9 баробарга кучайтириши Тошкент педиатрия тиббиёт институти Илмий кенгашининг 2023 йил 10 ноябрдаги 03/123-сонли қарори билан тасдиқланган "Юрак туғма нуқсони билан касалланган болаларни кардиожарроҳлик аралашувигача жисмоний ривожланишини баҳолаш ва коррекциялаш усули" услубий тавсияномасида акс эттирилган бўлиб, Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 12 июндаги 108-сонли ҳамда Чирчик шаҳар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2023 йил 28 ноябрдаги 9-сонли буйруқлари асосида амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қўйидагича:** таклиф этилган биокимёвий мезонлар ТЮН билан оғриган болаларда операциядан олдинги даврда жисмоний ривожланиши ортда қолишини таҳмин қилиш имконини беради, бу эса ўз навбатида болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш билан бирга асоратлар ривожланишининг олдини олиш чораларини белгилашга ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қўйидагича:** юзага келиши мумкин бўлган асоратлар сони 27,3 фоизга, стационар даволаниш частотаси эса 2,6 марта камайтирилди. Йилига камида 2 та стационар даволаниш режалаштирилган болаларда иқтисодий самарадорлик бир нафар бемор учун 2331500 сўмни ташкил этди. **Хулоса:** Д витамини ва соматомедин С даражасини аниқлаш жисмоний ривожланиш бузилишларининг ривожланиш хавфини башорат қилиш, хатоларни камайтиришга, даволаш босқичларини аниқлашга ва 1 нафар бемор бола учун бюджет маблағларини 2331500 сўмга тежашга имкон беради.

**иккинчи илмий янгилик:** соматомедин С нинг паст қўрсаткичлари фонида ТЮН билан оғриган болаларда тана вазни, бўйи ва ТВИ нинг сезиларли даражада ортда қолиши билан тавсифланиши аниқланди. Шу билан бирга, корреляцион таҳлил унинг тана вазни индекси ( $p=0,51$ ,  $p<0,001$ ) билан энг яқин боғлиқлигини қўрсатди, бу эса операциядан олдинги даврда гемодинамик бузилишлар шароитида туғма юрак нуқсонлари бўлган

болаларда овқатланиш ҳолатини шакллантиришда мухим роль ўйнашини кўрсатади. Бу Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий кенгашининг 2023 йил 10 ноябрдаги 03/123-сонли қарори билан тасдиқланган "Юрак туғма нуқсони билан касалланган болаларни кардиожарроҳлик аралашувигача жисмоний ривожланишини бахолаш ва коррекциялаш усули " услубий тавсияномасида ўз аксини топган ва Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 12 июндаги 108-сонли буйруғи ҳамда Чирчиқ шаҳар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2023 йил 28 ноябрдаги 9-сонли буйруғига асосан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қўйидагича:** соматомедин С нинг аниқланган паст қийматлари операциядан олдинги даврда гемодинамик бузилишлар шароитида ТЮН билан оғриган болаларда овқатланиш ҳолатини шакллантиришда мухим роль ўйнашини кўрсатади, бу корреляцион таҳлил билан тасдиқланган. Олинган маълумотлар операциядан кейинги асоратлар хавфини олдини олишга ва тўғри овқатланиш ёрдами билан юрак жарроҳлигидан олдин ТЮН билан оғриган болаларни олиб бориш усулини тўғри танлашга имкон беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қўйидагича:** ТЮН билан оғриган болаларда юрак жарроҳлик амалиётидан олдин овқатланиши қўллаб-қувватлаш, витамин Д (3000 ХБ) ва триметаболни (ёшга боғлиқ дозаларда - 2,5 мл кунига 3 марта) ўз ичига олган такомиллаштирилган жарроҳлик амалиётидан олдинги даволаш усули ТЮН билан оғриган болаларда метаболик захираларга, компенсатор холатларига ва юракнинг функционал тикланишига тизимли ижобий таъсир кўрсатади. Жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда стационар даволанишнинг қисқариши хисобига 1 нафар бемор бола учун стационар даволанишнинг иқтисодий самарадорлиги 1165750 сўмни ташкил этди. **Хулоса:** соматомедин С даражасини аниқлашни жорий этиш операциядан кейинги асоратлар хавфини 2,3 баробарга камайтириш ва кардиохирургик амалиётдан олдин ТЮН билан оғриган болаларни индивидуал овқатланиш ёрдами билан олиб бориш усулини тўғри танлаш, 1 нафар бемор бола учун бюджетни 1165750 сўмга тежаш имконини беради.

**Учинчи илмий янгилик:** NT-proBNP нинг юқори даражаси ( $>1500$  пг/мл) жисмоний ривожланишнинг кечикиши предиктори эканлиги исботланди, бу хавфни деярли 7 баробарга ошириб, соматомедин С нинг паст даражаси билан корреляция қиласи ( $p=+0,48$ ;  $p<0,01$ ). Бунда Д витамини ва соматомедин С га синергик таъсир кўрсатиб ўсишни қўллаб-қувватласа, NT-proBNP даражаси эса юрак патологиясининг оғирлигини ва ТЮН бўлган болаларда кардиожарроҳлик аралашувигача ривожланиш кечикиши хавфини акс эттирувчи антагонистик маркер сифатида намоён бўлади. Бу Тошкент педиатрия тиббиёт институти Илмий кенгашининг 2023 йил 10 ноябрдаги 03/123-сонли қарори билан тасдиқланган "Юрак туғма нуқсони билан касалланган болаларни кардиожарроҳлик аралашувигача жисмоний ривожланишини бахолаш ва коррекциялаш усули " услубий тавсияномасида акс эттирилган ҳамда Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 12 июндаги 108-сонли ва Чирчиқ шаҳар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2023 йил 28 ноябрдаги 9-сонли буйруқлари асосида амалиётга татбиқ этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қўйидагилардан иборат:** операциядан олдинги даврда ТЮН

бўлган боланинг саломатлик ҳолатини ёшига мос равища тўғри баҳолаш, эрта асоратлар ривожланишини олдини олиш ва даволаш усулини танлаш операциядан кейинги яқин ва узоқ даврларда даволаш сифатини яхшилайди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуидагича:** ТЮН бўлган болаларни нутритив қўллаб-қувватлаш билан кардиожарроҳлик аралашувигача олиб бориши усули асоратлар сонини 2,3 баробарга камайтириш имконини берди. Шифохонада даволаниш муддати 8 кунга қисқарди ва ҳар бир бемор учун 500 000 сўм иқтисод қилинди. *Хулоса:* Д витамини ва соматомедин С даражасини динамик баҳолашни жорий этиш нутритив ҳолатнинг шаклланишини аниқлашга ва ТЮН бўлган болаларда кардиожарроҳлик аралашувигача юрак патологиясининг оғирлигини ҳамда ривожланиш кечикиши хавфини олдини олишга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида операциядан кейинги яқин ва узоқ даврларда асоратлар частотасини камайтириб, болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилайди, ТЮН бўлган ҳар бир бемор бола учун бюджет маблағларини 500 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 349 725 сўмга тежаш имконини беради.

**тўртинчи илмий янгилик:** ТЮН бўлган болаларни кардиожарроҳлик аралашувигача олиб боришининг такомиллаштирилган усулини қўллаш, нутритив қўллаб-қувватлаш ҳамда триметабол ва Д витаминининг даволовчи дозасини қўшиш орқали операциядан олдинги тайёргарлик босқичидаёқ оқсил-энергетик, витамин ва метаболик ҳолатни сезиларли даражада яхшилаш ( $p <0,05-0,01$ ), операциядан кейинги эрта даврда (1 ойдан сўнг) эса минимал катаболик йўқотишлир (умумий оқсил бўйича  $p <0,05$ , альбумин бўйича  $p <0,05$ ) самарадорлиги исботланди. Бу Тошкент педиатрия тиббиёт институти Илмий кенгаши томонидан 2023 йил 10 ноябрда 03/123-сон билан тасдиқланган "Юрак туғма нуқсони билан касалланган болаларни кардиожарроҳлик аралашувигача жисмоний ривожланишини баҳолаш ва коррекциялаш усули" услугий тавсияномасида ўз аксини топган ва Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 12 июндаги 108-сонли ҳамда Чирчиқ шаҳар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2023 йил 28 ноябрдаги 9-сонли бўйруқлари асосида амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуидагилардан иборат:** нутритив қўллаб-қувватлаш билан ТЮН бўлган болаларни кардиожарроҳлик аралашувигача такомиллаштирилган усулини қўллаш самарадорлиги болалиқдан ногиронлик частотасини камайтиради, ҳаракат фаоллигини оширади ва боланинг ҳаёт сифатини яхшилайди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуидагича:** ТЮН бўлган болаларни нутритив қўллаб-қувватлаш билан кардиожарроҳлик аралашувигача олиб боришининг такомиллаштирилган усулини операциядан кейинги даврда нутритив қўллаб-қувватлаш билан амалга ошириш ТЮН бўлган ҳар бир бемор бола учун бюджет маблағларини 500 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 349 725 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг**

**апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тасдиқланган журнallарда 11 та мақола, шундан 7 та республика ва 4 та чет эл нашрларида эълон қилинган. Шунингдек методик тавсияномалар, ЭҲМ учун дастур ишлаб чиқилган ва жорий этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хуносалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Матнли материал ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот обьекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилади, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш очиб берилади, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар кўрсатилган.

**Диссертациянинг «Туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларни олиб бориши принциплари ва кардиожарроҳлик аралашувигача бўлган даврда уни такомиллаштириш имкониятлари (адабиётлар шархи)»** деб номланган биринчи бобда ТЮНли болаларда кузатиладиган патофизиологик ўзгаришлар, энергия алмашинуви, оқсил ва макронутриентлар алмашинувига бағишлиланган ҳозирги илмий тадқиқотларнинг натижалари таҳлил қилинган, ТЮНли болаларнинг жисмоний ва соматик ривожланишини баҳолашда қўлланиладиган биокимёвий усуллар ҳамда операциягача ва операциядан кейинги даврда юритиш усули хусусиятлари баён этилган, мавжуд илмий адабиётлар асосида мазкур тиббий муаммо назарий жиҳатдан ўрганилган ва ечимини кутаётган жиҳатлари таҳлил қилинган, шунингдек аниқлашни талаб этувчи ва илмий жиҳатдан етарлича ўрганилмаган масалалар белгилаб берилган.

**Диссертациянинг «Туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларнинг клиник тавсифи ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланилган материаллар ва тадқиқот усуллари атрофлича баён этилган. Ушбу бобда 2021–2023 йиллар давомида 3 ойдан 3 ёшгача бўлган 144 нафар туғма юрак нуқсони бўлган болаларда ўтказилган комплекс клиник текширувлар тавсифланган. Тадқиқот клиник, рандомизирланган ва проспектив кузатув тусиға эга бўлганлиги ёритилган.

**Тадқиқотга киритиши мезонлари:** компенсация босқичида бўлган, режали кардиожарроҳлик аралашуви олиб борилган ТЮНли болалар; 3 ойдан 3 ёшгача бўлган болалар; бемор боланинг ота-онаси ёки қонуний васийларининг тадқиқотда иштирок этишга ёзма равишдаги онгли розилиги.

**Тадқиқотдан чиқарии мезонлари:** ота-оналар ёки васийларининг тадқиқотда иштирок этишдан бош тортиши; туғма юрак нуқсонининг мавжуд эмаслиги; 3 ойгача бўлган ёки 3 ёшдан катта болалар; декомпенсация босқичидаги ТЮН ҳолатлари; туғма ирсий касалликлар (масалан, модда алмашинувининг ирсий бузилишлари, жисмоний ривожланиш кечикиши билан намоён бўладиган генетик синдромлар) мавжуд бўлган болалар;

жисмоний ривожланишни кечикириадиган бошқа туғма аномалиялар билан бирга кечувчи патологиялар.

**1-босқичда** 144 нафар боланинг клиник-анамнез маълумотлари проспектив таҳлил қилинди. Оператив аралашувнинг вақти (шошилинч, тезкор ёки режали) ва тури (радикал, ёрдамчи ёки гемодинамик коррекция) нуқсоннинг анатомиясига қараб белгиланади, шунинг асосида текширилган болалар 2 гурӯҳга бўлинди.

Таққослаш гурухы – туғма юрак нүқсони бўлган ва жарроҳлик даволаш усули қўлланган 42 нафар болани (43,1%) ўз ичига олди. Бу гурухда диагностика ва операциягача тайёргарлик анъанавий усул бўйича амалга оширилди.


Асосий гурух 102 нафар боладан (56,9%) иборат бўлиб, уларда текширув вақтида ҳали оператив аралашув ўтказилмаган. Бу гурухда беморларни олиб боришнинг модификацияланган усули қўлланилди ва динамик текширув ўтказилди.

Тадқиқотга жалб этилган вақтдаги ўртача ёш күрсаткичлари асосиейттік гурұхда  $11,9 \pm 3,6$  ой, таққослаш гурұхда эса  $8,0 \pm 2,5$  ойни ташкил этди.

Назорат гурухини шакллантириш асосий ва қўшимча лаборатор кўрсаткичларни статистик жиҳатдан ишончли таққослаш имконини берди. Назорат гурухи бир хил ёшдаги ва жинсдаги 20 нафар боладан иборат бўлиб, ўртача ёш  $10,6 \pm 0,42$  ойни ташкил этди.

Асосий гурухда жинс бўйича болалар қуидагида тақсимланди: 102 нафар беморнинг 59,8% (61 нафар) - ўғил болалар, 40,2% (41 нафар) - қиз болалар. Таққослаш гурухида эса бу нисбат 57,5% (42 нафардан 24 нафари) ва 42,5% (42 нафардан 18 нафари) ни ташкил этди.

Нұқсон турлари тақъили шундан далолат бердики, иккі гурухда ҳам асосий касалликлар сифатида қуидагилар устун бўлган: қоринчалар аро тўсифи нұқсони (ҚАТН): асосий гурухда - 25,5%, таққослаш гурухда - 26,2%; бўлмачалар аро тўсифи нұқсони (БАТН): асосий гурухда - 20,6%, таққослаш гурухда - 19,0%; очиқ артериал йўлак (ОАЙ): асосий гурухда - 10,0%, таққослаш гурухда - 15,0% (1-расм).



## 1-расм. Тадқиқот гурухларида юрак нүқсонлари туриниң тақсимланиш

ТФ (Тетрада Фалло) гурухлар бўйича 16,7% ҳолатларда бир хил частотада қайд этилди. МТТ (Магистрал томирлар транспозитцияси) ва КА (аорта коартатцияси) кўрсаткичлари ҳар икки гурухда учради, уларнинг частотаси асосий ва таққослаш гурухларида мос равишда 13,7% ва 11,9%, ҳамда 12,7% ва 11,9% ни ташкил этди.

Гемодинамик бузилишлар таҳлили шуни кўрсатдики, ТЮН бўлган беморлар орасида кичик қон айланиш доираси (КҚАД) гиперволемияси кузатилган болалар кўпчилик бўлди - уларнинг улуси 56,9%ни ташкил этди. Асосий гуруҳда КҚАД камайиши (гиповолемия) қайд этилган беморлар 31,4%, таққослаш гуруҳида эса 28,6% ни ташкил этди ( $P>0,05$ ).

Катта қон айланиш доираси камайиши асосий ва таққослаш гуруҳларида мос равиша 12,7% ва 11,9% болаларда аниқланди, статистик аҳамиятли фарқ кузатилмади ( $P>0,05$ ). Беморлар орасида бу кўрсаткичнинг учраш частотаси деярли бир хил даражада сақланди.

Касалхонага ётқизишдан олдинги босқичда, ташҳис қўйилгандан сўнг, физикал текширув ўтказилди. Текширувда тери қопламалари ва кўриниб турадиган шиллиқ қаватларнинг ҳолати, тўқима тургори, шишлар мавжудлиги баҳоланди. Шунингдек, ТЮН тури, физик ривожланиш даражаси ва болалар энцефалопатик нейрорефлексли патологияси (БЭНП) мавжудлиги инобатга олинди.

Жисмоний ривожланиш ҳолатини баҳолаш мақсадида антропометрик усуллар қўлланилди. Антропометрик кўрсаткичлар – тана вазни, бўйи (узунлиги) ва тана вазни масса индекси (ТВИ - кг/м<sup>2</sup>) аниқланиб, улар ЖССТ (ВОЗ) томонидан тавсия этилган ўсиш диаграммаларига жойлаштирилди ва шу асосда ҳар бир боланинг индивидуал ўсиш чизиги олинди.

ТВИ бу боланинг танаси массасини (килограммда) тананинг узунлигига (2 ёшгача бўлган болаларда ётган ҳолда ўлчанган бўйига, 2 ёшдан катта болаларда эса тик турган ҳолда ўлчанган бўйига) бўлиб, квадрат метрда ифода этилган нисбатидир.

Тадқиқотнинг **2-босқичида** ТЮНли 144 нафар болада операциягача ва операциядан кейинги даврларда қондаги D витамини, соматомедин-С ва N-проБНР пептиднинг диагностик аҳамияти баҳоланди.

Соматомедин-С миқдорини аниқлаш учун инсон қони зардобида ушбу гормонни миқдорий аниқлашга мўлжалланган маҳсус тест тўплами қўлланилди. Текширув тўлиқ автоматлаштирилган хемилюминесцент иммуноанализатор (CLIA) - MAGLUMI аппаратида амалга оширилди.

**Nt-pro-BNP** миқдорини аниқлаш юқори сезгирикка эга миқдорий усулда амалга оширилди, бунинг учун иммунофермент анализатор (HUMAREADER HS, Biomedica, Германия) қўлланилди. Барча тестлар ишлаб чиқарувчи томонидан берилган йўриқномага мувофиқ ўтказилди.

D витамини миқдорини аниқлаш эса иммунохемилюминесцент усул (ИХЛ) орқали бажарилди. Бу усул организмдаги D витамини миқдорини аниқлаш имконини беради.

Референс қийматлар: нормал даражаси: 30–50 нг/мл (75–125 нмоль/л), етишмовчилик: 20–29 нг/мл (50–74 нмоль/л); танқислик: 20 нг/мл дан паст (< 50 нмоль/л); токсик даражаси: 100 нг/мл дан юқори (> 250 нмоль/л) - бу кўрсаткичдан юқори миқдорлар соғлиқ учун хавфли бўлиши мумкин.

Қондаги **альбумин** миқдори ТЮНли болаларда оқсил-энергетик етишмовчиликни (ОЭЕ) баҳолаш мақсадида BCG усули (бромкрезол яшил реактиви) орқали аниқланди. Альбуминнинг референс қийматлари: туғилганидан 1 ёшгача бўлган болаларда - 47–73 г/л; 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларда - 38–54 г/л.

3-босқичда операцияга тайёрлаш даврида касалхона босқичида ва катамнез даврида (3–6 ой мобайнида) амалга оширилган терапевтик чоратадбирларнинг самарадорлиги баҳоланди. Баҳолаш антропометрик кўрсаткичлар, лаборатор текширув натижалари, ЭКГ ва ЭхоКГни ўз ичига оладиган инструментал текширувлар асосида олиб борилди.

*Асосий гуруҳда (102 нафар бемор)* овқатланишида етишмовчилик бўлган болалар учун терапевтик овқатлантириш дастури рационда она сутини иложи борича тўлиқ сақлаган ҳолда амалга оширилди (1-жадвал).

**Таблица 1**  
**ТЮНли bemорларни жисмоний ривожланишини баҳолаш орқали**  
**уларни операциядан олдин олиб бориш методикаси**

Ёш	ООЭЕни ҳисобга олган ҳолда ТВИ кўрсаткичлари		
	-1CO	-2CO	-3CO
<b>3-12 ойлик</b>	Кўкрак сути +Лактаза фермент+ Витамин Д (3000 ЕД); Probio Plus DDS №3 (1/2капсуладан суткасига 2 махал)	Кўкрак сути + она сутини бойитувчи қўшимча аралашма. (зардоб оқсилини чуқур гидролизлашга асосланган ярим элементли аралашма) Витамин Д (3000 ЕД), Probio Plus DDS №3 (1/2 капсуладан суткасига 2 махал)	Кўкрак сути + она сутини бойитувчи қўшимча аралашмаси (аминокислота таркибли)+Витамин Д (3000 ЕД)+ Probio Plus DDS №3 (1/2 капсуладан суткасига 2 махал)
<b>1-3 йил</b>	Рационал озиқлантириш+ Витамин Д (3000 ЕД) + Триметабол 2-ёшдан - 2.5 мл x 3 махал).	Рационал овқатланиш + Кўшимча даволи аралашма (сут зардobi оқсили гидролизати) + Витамин Д (3000 ЕД) + Триметабол (2-ёшдан - 2.5 мл x 3 махал).	Рационал овқатланиш+ Кўшимча даволи аралашма (сут зардobi оқсили гидролизати - 2 ой-4ой) +Витамин Д (3000 ЕД) + Триметабол (2-ёшдан - 2.5 мл x 3 махал).

Беморларда оқсил-энергетик етишмовчилик (ОЭЕ) нинг турли даражалари аниқланганда, боланинг ёши ва клиник ҳолатини ҳисобга олган ҳолда озиқланиш рационы ўзгартирилди. Рацион таркибига она сути учун озуқавий бойитувчилар, чуқур гидролизланган оқсил асосидаги парҳез аралашмалари, шунингдек, қўшимча овқат турларини эрта жорий этиш киритилди. Оналарга парҳезга оид тавсиялар берилди. Озиқлантириш усули (зонд орқали, қошиқ ёрдамида ва бошқалар) ҳар бир бола учун алоҳида тарзда танланди, бунда боланинг умумий аҳволи, ривожланиш хусусиятлари ва мавжуд ҳамроҳ касалликлар ҳисобга олинди.

Таққослаш гуруҳидаги ТЮНли болаларни (42 нафар) олиб боришнинг анъанавий усули bemорнинг умумий ҳолатини барқарорлаштириш, гемодинамик бузилишларни бартараф этиш, асоратларни олдини олиш ҳамда олдинда турган жарроҳлик амалиётига тайёрлашга қаратилган эди. Асосий вазифалар қуйидагиларни ўз ичига олди: газ алмашинуви ва тўқима перфузиясини мос даражада сақлаш; гипоксемия ва метаболик ацидозни тузатиш; юрак ва ўпка фаолиятини оптималлаштириш; инфекцион асоратларнинг олдини олиш; нутритив қўллаб-қувватлашни таъминлаш ва сув-электролит мувозанатини нормаллаштириш.

Тадқиқот натижаларига статистик ишлов бериш Microsoft Excel 2019 дастури ёрдамида амалга оширилди. Ҳисоб-китоблар жараёнида ўртача 16

арифметик қиймат (M), ўртача квадратли оғиш ( $\sigma$ ), стандарт хато (m), нисбий қийматлар - частота ва фоизлар (%), Стыюдент мезони (t) ва хато эҳтимоллиги (P) ҳисоблаб чиқилди. Жисмоний ривожланишнинг орқада қолиши билан боғлиқ хавф омилларини баҳолаш учун  $2\times 2$  ўзаро боғлиқлик жадваллари кўлланилди. Омиллар ўртасидаги статистик боғланиш аҳамияти Пирсоннинг  $\chi^2$  мезони ёки Фишернинг аниқлик мезони (жадвал ячейкалардаги кичик частоталарда) ёрдамида текширилди.

Диссертациянинг «Туғма юрак нуқсонлари бўлган чақалоқларнинг жисмоний ривожланиши ва соматик ҳолатини баҳолаш» га бағишиланган учинчи бобида ТЮН билан касалланган болаларнинг антропометрик кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Янги туғилган чақалоқлик даври маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларда эрта постнатал даврнинг номақбул кечиши назорат гуруҳидаги болаларга нисбатан анча кўп учрайди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Туғма юрак нуқсони билан туғилган болаларда неонатал анамнези

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ (n=102)	Таққослаш гуруҳи (n=42)	Назорат гуруҳи (n=20)	p (ТЮН vs назорат)
Муддатида туғилган болалар, %	72,5±4,4	73,8±6,8	95,0±4,9	<0,05
Чала туғилиш, %	18,6±3,8	16,7±5,7	5,0±4,9	<0,05
Туғилгандаги тана вазни <2500 г, %	23,5±4,2	21,4±6,3	5,0±4,9	<0,05
Туғилгандаги асфиксия, %	21,6±4,1	19,0±6,1	5,0±4,9	<0,05
Апгар ≤ 5 балл (1-дақиқа), %	18,6±3,8	16,7±5,7	0±0,0	<0,01
Юрак етишмовчилигининг эрта белгилари, %	46,1±4,9	42,9±7,6	0±0,0	<0,001
Ооксигенотерапия/СЎВ зарурати, %	14,7±3,5	11,9±4,9	0±0,0	<0,05
Янги туғилганлар патологияси бўлимида бўлишнинг ўртача давомийлиги, кун	16,2±3,4	15,1±3,1	4,3±1,8	<0,01
Патологи сариқлик, %	22,5±4,1	21,4±6,3	10,0±6,7	<0,05
Инфекцион-яллиғланишили асоратлар (пневмония, сепсис), %	11,8±3,2	9,5±4,5	0±0,0	<0,05

Асосий гуруҳдаги болаларнинг 72,5 фоизи ва таққослаш гуруҳидаги болаларнинг 73,8 фоизи ўз муддатида туғилган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 95,0 фоизни ташкил этган - бу эса ТЮН билан болаларга нисбатан ишончли равишда юқоридир. Чала туғилиш ҳолати асосий гуруҳда 18,6 фоиз, таққослаш гуруҳида эса 16,7 фоиз болаларда қайд этилган бўлиб, бу кўрсаткич назорат гуруҳидаги 5,0 фоизга нисбатан ишончли даражада юқори ( $P<0,05$ ). 2500 граммдан кам тана вазни билан туғилганлар асосий гуруҳда 23,5 фоиз, таққослаш гуруҳида 21,4 фоиз ва назорат гуруҳида 5,0 фоиз бўлган ( $P<0,05$ ).

ТЮНли бўлган болалар орасида турли даражадаги асфиксия ҳолатлари асосий гуруҳдаги янги туғилганларнинг 21,6 фоизида, таққослаш гуруҳида - 19,0 фоизида кузатилган бўлиб, бу кўрсаткич назорат гуруҳидаги 5,0 фоизга нисбатан ишончли даражада юқори ( $P<0,05$ ). Апгар шкаласи бўйича паст баллар ( $\leq 6$  балл, 1-дақиқада) асосий гуруҳ болаларининг 18,6 фоизида, таққослаш гуруҳида - 16,7 фоизида аниқланган, назорат гуруҳида эса бундай ҳолатлар қайд этилмаган (0,0%).

Янги туғилганлар патологияси бўлимида даволаниш давомийлиги асосий гуруҳда  $16,2\pm3,4$  кунни, таққослаш гуруҳида -  $15,1\pm3,1$  кунни,

назорат гурухида эса  $4,3 \pm 1,8$  кунни ташкил этган ( $p < 0,01$ ). Янги туғилғанлар сариқлиги (патологик шакли) асосий гурух болаларининг 22,5 фоизида, таққослаш гурухида - 21,4 фоизида ва назорат гурухида - 10,0 фоизида кузатилған бўлиб, бу кўрсаткич назорат гурухига нисбатан ишончли даражада юқори ( $P < 0,05$ ). Инфекцион-яллиғаниш касалликлари (пневмония, сепсис) неонатал даврда асосий гурух болаларининг 11,8 фоизида ва таққослаш гурухида 9,5 фоиз ҳолларда қайд этилган, назорат гурухида эса бундай асоратлар аниқланмаган.

Соматик ҳолатни ўрганиш натижаларига қўра, рахит белгилари асосий гурух болаларининг 68 фоизида, таққослаш гурухида - 57,7 фоизида, назорат гурухида эса фақат 25 фоиз болаларда кузатилған (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Туғма юрак нуқсони билан туғилған эрта ёшдаги болаларда соматик ҳолати

Кўрсаткич	Асосий гурух (n=102)		Таққослаш гурухи (n=42)		Назорат гурухи (n=20)		p (ТЮН vs назорат)
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	
ООЭЕ (I-II даражада)	32	31,4	13	30,9	1	5,0	<0,01
Анемия ( $\text{Hb} < 110 \text{ г/л}$ )	45	44,1	17	40,5	1	5,0	<0,001
Мотор ривожланишнинг кечикиши	27	26,5	10	23,8	1	5,0	<0,05
психоэмоционал ривожланиш бузилишлари	19	18,6	7	16,7	0	0	<0,05
Акроцианоз	38	37,3	15	35,7	0	0	<0,001
Юклама бергандан нафас сикиши	42	41,2	17	40,5	0	0	<0,001
1 йилда 4 мартадан кўп ўРВИ эпизодлари	37	36,3	15	35,7	2	10,0	<0,01
Бошдан кечирилган пневмониялар	14	13,7	5	11,9	1	5,0	>0,05

ООЭЕ турли даражада асосий гурух болаларининг 31,4 фоизида ва таққослаш гурухида 30,9 фоиз ҳолларда қайд этилган бўлиб, соғлом болаларда бу ҳолат фақат 5,0 фоизда кузатилған, кўрсаткичлар ишончли даражада фарқ қилған ( $P < 0,05$ ). Камқонлик (анемия)белгилари - (терининг оқариши ва лаборатор маълумотларга қўра гемоглобин микдорининг пасайиши) асосий гурух болаларининг 44,1 фоизида ва таққослаш гурухида 40,5 фоизида аниқланган бўлиб, бу кўрсаткич назорат гурухидаги фақат 5,0 фоизда кузатилған ( $P < 0,01$ ). Туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларда сурункали гипоксемия белгилари тез-тез учраган: акроцианоз - асосий гурухда 37,3% ва таққослаш гурухидаги 35,7% ҳолларда, минимал юкламада нафас қисилиши - мос равища 41,2 ва 40,5% ҳолларда қайд этилган. Назорат гурухидаги бу қаби симптомлар кузатилмаган.

Туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларда нафас олиш тизими касалликлари анча тез-тез юзага келган: йилига камида тўрт марта ОРВИ билан касалланиш ҳолатлари асосий гурух болаларининг 36,3%да ва таққослаш гурухидаги 35,7%да қайд этилган, назорат гурухидаги эса бу кўрсаткич фақат 10,0%ни ташкил этган. Пневмония билан оғриган ҳолатлар асосий гурухда 13,7%, таққослаш гурухидаги 11,9% болаларда аниқланган бўлиб, назорат гурухидаги фақат битта болада (5,0%) кузатилған.

ТЮН ли болаларнинг жисмоний ривожланишини таҳлил қилиш шунинг кўрсатдиги, асосий ва таққослаш гурухларининг кўпчилик болаларида тана

массаси, бўй ўсиши ва тана вазни индексидаги бузилишлар кузатилган бўлиб, уларнинг даражаси боланинг ёшига қараб фарқ қилган.

4-жадвал маълумотларига кўра, асосий гурух болалари (n=102) да 3–12 ойликда ёк аниқ оғишилар кузатилган: текширилган болаларнинг ярмидан кўп қисмида кўрсаткичлар медиан қийматларидан паст бўлган, уларнинг 29,4% да тана вазнининг аниқ етишмовчилиги (–2 СО дан паст) ва 9,3% да оғир оқсил энергетик етишмовчилик (–3 СО дан паст) қайд этилган.

#### 4-жадвал

#### ТЮНли болаларнинг ёшига қараб тана вазни бўйича тақсимланиши

Ёш		3–12 ойлик		1–2 ёш		2–3 ёш	
		Асосий (n=43)	Таққослаш (n=16)	Асосий (n=37)	Таққослаш (n=15)	Асосий (n=22)	Таққослаш (n=11)
Гурух	абс.	1	0	1	0	0	0
	%	2,3	0	2,7	0	0	0
+3 СО-+2 СО	абс.	2	1	2	1	1	0
	%	4,7	6,3	5,4	6,7	4,5	0
+2 СО-+1 СО	абс.	4	2	4	1	2	1
	%	9,3	12,5	10,8	6,7	9,1	9,1
+1 СО -0	абс.	12	5	11	5	7	3
	%	27,9	31,3	29,7	33,3	31,8	27,3
0 - -1 СО	абс.	11	4	9	4	5	2
	%	25,6	25	24,3	26,7	22,7	18,2
-1 СО - -2 СО	абс.	9	3	7	3	4	2
	%	20,9	18,8	18,9	20	18,2	18,2
-2 СО - -3 СО	абс.	4	1	3	1	3	3
	%	9,3	6,3	8,1	6,7	13,7	27,3

1–2 ёшли болаларда ҳам шунга ўхшаш ҳолат сақланиб, жами 27,0% да тана массаси кўрсаткичлари –2 СО дан паст бўлган. 2–3 ёшли болалар гуруҳида тана вазни етишмовчилиги 31,9% ҳолларда кузатилиб, 13,7% болаларда оғир оқсил-энергетик етишмовчилик аниқланган. Таққослаш гуруҳи (n=42)да ҳам шунга ўхшаш тенденциялар кузатилган, бироқ оғир ОЭЕ ҳолатлари нисбатан кам қайд этилган: чақалоқлик ёшида - 25,1%, 1–2 ёшда - 26,7%, ва 3 ёшда - 45,5% болаларда сақланиб қолган.

Шундай қилиб, ТЮНли болаларда тана вазни етишмовчилиги чақалоқлик давриданоқ кузатилиб, кейинги ёш босқичларида ҳам сақланиб қолган. Бу ҳолат юрак патологиясининг бола нутритив статусига узок муддатли таъсиридан далолат беради.

Бўй узунлиги кўрсаткичлари таҳлили (5-жадвал) шуни кўрсатди, ўсиш бўйича орқада қолиш ҳолатлари баланд бўйга нисбатан анча кўп учрайди.

Асосий гурух болалари орасида 1 ёшгача бўлган болаларнинг 23,3% да, 1–2 ёшда - 24,3% да ва 3 ёшга келиб - 22,7% да бўй кўрсаткичлари –2 СО дан паст бўлган. Болаларнинг 7,0–9,1% да турли ёш давларида бўйнинг оғир даражадаги етишмовчилиги (–3 СО дан паст) қайд этилган.

Таққослаш гуруҳида ҳам шунга ўхшаш изчилликлар кузатилган: турли ёш гуруҳларида бўй кўрсаткичи –2 СО дан паст бўлган болалар улуси 18,2% дан 20,0% гача бўлган.

## 5 жадвал

### ТЮНли болаларнинг ёшига қараб бўйи бўйича тақсимланиши

Ёш		3-12 ой		1-2 ёш		2-3 ёш	
Гурух		Асосий (n=43)	Таққослаш (n=16)	Асосий (n=37)	Таққослаш (n=15)	Асосий (n=22)	Таққослаш (n=11)
+3 CO-+2 CO	абс.	1	0	1	0	0	0
	%	2,3	0	2,7	0	0	0
+2 CO-+1 CO	абс.	2	1	2	1	1	0
	%	4,7	6,3	5,4	6,7	4,5	0
+1 CO -0	абс.	5	2	4	2	3	2
	%	11,6	12,5	10,8	13,3	13,6	18,2
Медиана (0 CO)	абс.	14	5	12	4	8	4
	%	32,6	31,3	32,4	26,7	36,4	36,4
0 - -1 CO	абс.	11	4	9	4	5	2
	%	25,6	25	24,3	26,7	22,7	18,2
-1 CO - -2 CO	абс.	7	3	6	3	3	2
	%	16,3	18,8	16,2	20	13,6	18,2
-2 CO - -3 CO	абс.	3	1	3	1	2	1
	%	7	6,3	8,1	6,7	9,1	9,1

Шундай қилиб, ТЮНли болалар орасида бўй ўсишининг орқада қолиши улуши юқори бўлиб, бу сурункали энергия танқислиги ва гипоксемиянинг соматик ўсиш жараёнларига таъсирини акс эттиради.

6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларда тана вазни индекси кўрсаткичлари тана вазни ва бўй нисбатини ҳисобга олган ҳолда нутритив статусни комплекс баҳолаш имконини беради.

## 6-жадвал

### ТЮНли болаларнинг ёшига қараб ТВИ бўйича тақсимланиши

Ёш		3-12 ой		1-2 ёш		2-3 ёш	
Гурух		Асосий (n=43)	Таққослаш (n=16)	Асосий (n=37)	Таққослаш (n=15)	Асосий (n=22)	Таққослаш (n=11)
+3 CO-+2 CO	абс.	0	0	0	0	0	0
	%	0	0	0	0	0	0
+2 CO-+1 CO	абс.	2	1	2	1	1	0
	%	4,7	6,3	5,4	6,7	4,5	0
+1 CO -0	абс.	4	2	3	2	2	1
	%	9,3	12,5	8,1	13,3	9,1	9,1
Медиана (0 CO)	абс.	13	5	12	4	7	3
	%	30,2	31,3	32,4	26,7	31,8	27,3
0 - -1 CO	абс.	11	4	10	4	6	2
	%	25,6	25	27	26,7	27,3	18,2
-1 CO - -2 CO	абс.	8	3	7	3	3	2
	%	18,6	18,8	18,9	20	13,6	18,2
-2 CO - -3 CO	абс.	5	1	3	1	3	3
	%	11,6	6,3	8,1	6,7	13,6	27,3

Худди шундай натижалар каттароқ ёш гурухларида ҳам сақланган: 1–2 ёшли болаларнинг 27,0 фоизида ТВИ кўрсаткичи –1 СО дан паст, 2–3 ёшли болаларда эса бу кўрсаткич 41,0 фоизга етган. Таққослаш гурухида ҳам ўхшаш динамика кузатилиб, болаларнинг тахминан учдан бир қисмида ТВИ етишмовчилиги қайд этилган бўлиб, асосан –1 ва –2 СО оралиғида бўлган.

Шундай қилиб, олинган натижалар туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларда тана вазни, бўй ва ТВИ кўрсаткичларидағи сезиларли орқада қолиш чақалоқлик давридан бошлаб кузатилиши, бу ҳолат суронкали нутритив етишмовчилик ва гемодинамик бузилишлар шароитидаги ортиқча энергия сарфланиши билан боғлиқ эканини кўрсатади. Бу маълумотлар ТЮНли болаларда, айниқса операциягача бўлган даврда, нутритив статусни эрта ташхислаш ва тўғрилаш зарурлигини тасдиқлайди, ҳамда жарроҳлик амалиёти самарадорлигини ошириш ва асоратлар хавфини камайтиришга хизмат қиласди.

Диссертациянинг «**Туғма юрак нуқсонлари бўлган эрта ёшдаги болаларда кардиохирургик аралашувгача жисмоний ва соматик ҳолатни баҳолашда биохимёвий маркерларнинг диагностик аҳамияти**» деб номланган тўртинчи бобида ТЮНли болаларнинг лаборатор кўрсаткичлари таҳлил қилинган. D витамини миқдори икки гурухда ўрганилган: асосий гурух - ТЮН ли 102 нафар бола ва назорат гурухи - амалда соғлом ҳисобланган 20 нафар боладан иборат.


7-жадвал маълумотларига кўра, асосий гурух болаларида ўртача 25(OH)D даражаси ишончли даражада паст бўлиб,  $18,7 \pm 1,5$  нг/мл ни ташкил этган, назорат гурухида эса бу кўрсаткич  $32,8 \pm 8,4$  нг/мл бўлган ( $p < 0,001$ ).

**7-жадвал**

#### **ТЮНли эрта ёшдаги болаларда D витамини миқдорининг қиёсий ўртача кўрсаткичлари (нг/мл)**

Гурух	n	Ўртача±SD	Me [Q25; Q75]	Min–Max	p*
Асосий	102	$18,7 \pm 1,5$	$18,0 [14,0; 23,0]$	$8,0–34,0$	
Назорат	20	$32,8 \pm 1,8$	$33,5 [28,0; 39,0]$	$18,0–48,0$	$p < 0,001$

D витамини етишмовчилиги даражасини баҳолаш натижаларига кўра (2-расм), ТЮНли болалар орасида асосий гурухда витамин D етишмовчилиги ва танқислиги жами 82,3% ҳолларда қайд этилган. Назорат гурухида бу кўрсаткич 2,7 баравар кам - 30,0% ни ташкил этган. Гурухлар орасидаги фарқлар статистик ишончли деб топилган ( $\chi^2 = 27,46$ ;  $p < 0,001$ ).



**2-расм. Таҳлил қилинаётган гурухларда D витамини танқислиги, етишмовчилиги ва норма частотаси**

Биз тадқиқотда ТЮНли болаларда D витамини даражаси билан ёш ўртасида ишончли салбий корреляцияни аниқладик ( $r=-0,32$ ;  $p=0,001$ ). Бу шундан далолат берадики, ёш ортиши билан ТЮНли болаларда D витамини даражаси пасайишга мойил бўлади. Шунингдек, D витамини даражаси билан ТВИ кўрсаткичлари ўртасида ҳам ўртача салбий корреляция кузатилган ( $r=-0,48$ ;  $p=0,004$ ), бу эса оғир оқсил энергетик етишмовчилик бўлган болаларда D витамини етишмовчилиги кўпроқ учрашини тасдиқлайди.

ТЮНли болаларда соматомедин С даражаси ҳам назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада паст экани ҳам аниқланган (8-жадвал).

#### 8-жадвал

#### Эрта ёшдаги болаларнинг ТЮНли ва назорат гуруҳларида соматомедин С миқдори

Гуруҳ	n	Соматомедин С (нг/мл), $M\pm SD$	Me [Q25; Q75]	p*
Асосий (ТЮН)	102	$72,4\pm6,6$	70 [60; 85]	$p<0,001$
Назорат	20	$138,5\pm24,2$	140 [120;155]	

Изоҳ: \* - фарқларнинг ишончлилиги назорат гуруҳига нисбатан олинган (Манн–Уитни U-мезони)

ТЮНли болаларнинг кўпчилигига (62,7%) соматомедин С даражаси паст эканлиги аниқланган бўлиб, бу ҳолат назорат гуруҳига нисбатан ишончли даражада кўпроқ кузатилган (10,0%;  $p<0,001$ ). Олинган натижалар 9-жадвалда келтирилган.

#### 9-жадвал

#### Болаларнинг соматомедин С миқдори ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари бўйича тақсимланиши

соматомедин С миқдори	Асосий гуруҳ (n=102)	Назорат (n=20)	ФР (ўсиш/вазн/ТВИ) билан боғлиқлик
Нормадан паст (<80 нг/мл)	64 (62,7%)	2 (10,0%)	Ўсишнинг секинлашиши, вазн танқислиги
Чегара (80–100)	26 (25,5%)	4 (20,0%)	ТВИ пасайишига мойиллик
Норма (100–160)	12 (11,8%)	14 (70,0%)	Ёшга мос нормаларга мувофиқлик

Ўтказилган корреляцион таҳлил натижасида соматомедин С миқдори билан тана массаси, бўй узунлиги ва ТВИ ўртасида ишончли боғлиқлик аниқланган. Энг кучли корреляция ТВИ кўрсаткичи билан қайд этилган ( $r=0,51$ ;  $p<0,001$ ), бу эса соматомедин С секрециясини тартибга солища нутритив статуснинг мухим ролидан далолат беради. Шунингдек, D витамини миқдори билан соматомедин С даражаси ўртасида ҳам ишончли мусбат корреляция кузатилган ( $r=0,44$ ;  $p<0,001$ ). D витамиининг аниқ танқислиги (<20 нг/мл) бўлган болаларда соматомедин С даражаси энг паст бўлиб, бу ҳолат бўй ўсишининг кечикиши ва паст ТВИ кўрсаткичлари билан намоён бўлган.

Олинган маълумотлар нутритив статус (D витамини) билан ўсишнинг эндокрин тартибга солиниши соматомедин С ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тасдиқлади: OR=8,9 (95% ишончли интервал: 3,1–25,5), p<0,001. Соматомедин С нормада бўлганда D витаминининг танқислиги жисмоний ривожланиш орқада қолиши хавфини бироз оширган (OR=2,7; p=0,04), ҳолбуки соматомедин С миқдорининг пасайиши (D витамини меъёрда бўлган ҳолда) ҳам ўсиш кечикиши эҳтимолини оширган (OR=3,9; p=0,01). D витамини ва соматомедин С кўрсаткичлари нормал бўлган болаларда жисмоний ривожланиш бузилишлари кам (16,7%) ҳолларда кузатилган.

ТЮНли болаларда кардиохирургик аралашувгача бўлган даврда NT-proBNP миқдори ишончли назорат гурухига нисбатан 4,5 баравар юқори бўлган. Олинган маълумотлар 10-жадвалда келтирилган.

## 10-жадвал

### Эрта ёшдаги ТЮНли болаларда NT-proBNPнинг қиёсий миқдорлари

Гурух	n	NT-proBNP (пг/мл), M±SD	Me [Q25;Q75]	Min–Max
Асосий (ТЮН)	102	1450±52,0	1380 [1100;1700]	600–2800
Назорат	20	320,3±140,5	300 [220;400]	100–560

Изоҳ: маълумотларнинг назорат гурухига нисбатан ишончлилиги p<0,001.

Болаларнинг NT-proBNP миқдорлари ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари бўйича тақсимланиши шуни кўрсатдик, ТЮНли болаларнинг 77,5 фоизида NT-proBNP миқдори 1000 пг/мл дан юқори бўлган ва бу ҳолат жисмоний ривожланиш бузилишлари билан ишончли боғлиқликка эга эканлиги аниқланган (11-жадвал).

## 11-жадвал

### ТЮНли болаларнинг NT-proBNP миқдори ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари бўйича тақсимланиши

NT-proBNP (пг/мл)	Асосий гурух (n=102)	Назорат (n=20)	Жисмоний ривожланиш билан боғлиқлик
>1500 (юқори)	41 (40,2%)	0	Ўсишнинг кечикиши, яққол вазн танқислиги
1000–1500 (ўртacha↑)	38 (37,3%)	2 (10,0%)	Вазн танқислиги, паст ТВИ
<1000 (норма/чегаравий)	23 (22,5%)	18 (90,0%)	Уйғун ривожланиш

Ўтказилган корреляцион таҳлил натижаларига кўра, ТЮНли болаларда, NT-proBNP қанчалик юқори бўлса, шунчалик: тана вазни танқислиги кучлироқ ( $r=-0,46$ ;  $p<0,001$ ), бўй пастлиги яққолроқ ( $r=-0,39$ ;  $p<0,001$ ), ТВИ пастроқ ( $r=-0,52$ ;  $p<0,001$ ).

## 12-жадвал

### NT-proBNP миқдорининг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан корреляцияси (асосий гурух, n=102)

Кўрсаткич	r (Spearman)	p	Талқин
Тана вазни (Z)	-0,46	<0,001	Ўртacha салбий корреляция
Бўй (Z)	-0,39	<0,001	Ўртacha салбий корреляция
ТВИ (Z)	-0,52	<0,001	Яққол салбий корреляция

Шундай қилиб, NT-proBNP нинг юқори даражаси ( $>1500$  пг/мл) жисмоний ривожланишнинг кечикиши учун мустақил предиктор ҳисобланади ва хавфни қарийб 7 марта оширади. Ҳатто NT-proBNP миқдорининг ўртача ошиши ( $1000-1500$  пг/мл) ҳам ишончли даражада хавфнинг ошиши билан боғлиқ эканлиги аниқланган ( $OR=3,2$ ). Бундан ташқари, ТВИ пасайиши ҳам мустақил хавф омили сифатида қайд этилган бўлиб, бу ҳолат нутритив статус ва гемодинамик бузилишлар даражаси ўртасидаги боғлиқликни яққол кўрсатади.

Метаболик ва гормонал маркерлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш мақсадида D витамини, соматомедин C ва NT-proBNP даражалари ўртасида Спирмен корреляцион таҳлили ўтказилган (13-жадвал).

### 13-жадвал

#### ТЮНли болаларда D витамини, соматомедин C ва NT-proBNP даражалари ўртасидаги корреляция

Параметрлар	r (Спирмен)	p- қиймат	Талқин
D витамини ↔ соматомедин C	+0,42	<0,001	Ўрта даражадаги тўғри корреляция: D витамини даражаси юқори бўлган болаларда соматомедин C даражаси ҳам юқори
D витамини ↔ NT-proBNP	-0,36	0,002	Тескари корреляция: D витаминининг паст даражаси NT-proBNP ошиши билан боғлиқ
Соматомедин C ↔ NT-proBNP	-0,48	<0,001	Яққол тескари корреляция: соматомедин C даражасининг пасайиши NT-proBNP юкорилиги билан уйғунлашади

Аниқланган тўғри корреляция ( $r=+0,42$ ) шундан далолат беради, D витамини соматомедин C секрециясини мувоғиқ даражада ушлаб туришда мухим роль ўйнайди. D витамини етарли даражада бўлган болаларда соматомедин C кўрсаткичлари юқорироқ бўлиб, бу ҳолат бўй ўсиши ва тана массаси ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Тескари корреляция ( $r=-0,36$ ) D витамини танқислиги гемодинамик ҳолатнинг ёмонлашиши билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Бу NT-proBNP нинг ошиши билан намоён бўлади ва D витаминининг юрак етишмовчилиги оғирлигини баҳолашда билвосита биомаркер сифатидаги аҳамиятини тасдиқлайди.

Энг яққол салбий корреляция ( $r=-0,48$ ) гемодинамик юкланишнинг анаболик жараёнларга тўғридан-тўғри кучайтирувчи таъсиридан далолат беради. NT-proBNP юқори даражаси (юрак етишмовчилиги маркери) соматомедин C пасайиши билан боғлиқ бўлиб, бу ўсиш суръатининг секинлашиши ва нутритив (трофик) статуснинг ёмонлашишига олиб келади.

Шундай қилиб, NT-proBNP ни интеграл биомаркер сифатида қарасак бўлади, чунки у нафақат юрак етишмовчилиги даражасини, балки ТЮНли болаларда кардиохирургик аралашувгача бўлган даврда жисмоний ривожланиш орқада қолиш эҳтимолини ҳам акс эттиради. Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, D витамини ва соматомедин C синергик таъсир кўрсатиб, боланинг ўсиш жараёнларини яхшилайди, NT-proBNP эса антагонистик маркер сифатида намоён бўлиб, юрак патологиясининг оғирлик даражаси ва жисмоний ривожланиш кечикиши хавфини ифода этади.

**Диссертациянинг «ТЮНли эрта ёшдаги болаларни олиб бориш усули ва унинг самарадорлигини кардиохирургик аралашувгача ва ундан**

**кейин баҳолаш»** деб номланган бешинчи бобида ТЮНли болалар учун ишлаб чиқилган комплекс юритиш усули самарадорлигининг операциягача ва операциядан кейинги даврда баҳолаш амалга оширилган.

Комплекс тарзда юритишдан кейинги 3 ой ичидаги асосий гуруҳдаги ТЮНли болаларнинг 44,1% ида тана массаси медиан қийматларига мос келган, бу эса бошланғич күрсаткичлардан 14,7% юқоридир. Бошланғич даврда тана массаси юқори бўлган болалар сони (+2 СО – +1 СО) оралиғида 4,9%, (+3 СО – +2 СО) оралиғида эса 2,0% ни ташкил этган. 3 ойдан сўнг бу юқори күрсаткичларнинг учраш частотаси қарийб 3,5 марта камайган, натижада фақат 2,0% болада тана массаси (+2 СО – +1 СО) диапазонида сақланган.

Ўтказилган тадқиқотларимизда кардиохирургик аралашувдан кейин тана вазни йўқотилиши асосий гуруҳ болаларининг 5,6% ида кузатилган, ҳолбуки таққослаш гуруҳида бу күрсаткич 2,4 марта юқори бўлиб, 13,4% ни ташкил этган. Тана вазнининг –2 СО – –3 СО оралиғида пасайиши асосий гуруҳдаги болаларнинг 2,9% ида, таққослаш гуруҳида эса 19,0% да қайд этилган бўлиб, бу фарқ статистик жиҳатдан ишончли аҳамиятга эга ( $p<0,01$ ).

Шундай қилиб, ТЮНли болаларда операциядан кейинги тана вазнининг пасайиши кўп омилли жараён бўлиб, у катаболик реакциялар, энергия етишмовчилиги ва шиш синдромини коррекциялаш билан боғлиқ. Бу механизмларни тушуниш жисмоний ривожланиш динамикасини тўғри талқин қилишда ҳамда операциядан кейинги дастлабки даврда нутритив қўллаб-куватлашни режалаштиришда катта аҳамиятга эга.

Юрак фаолияти барқарорлашганидан ва иштахаси яхшиланганидан сўнг, асосий ҳамда таққослаш гуруҳларидаги болаларда анаболик жараёнлар фаоллашган. Операциядан кейинги биринчи ойда асосий гуруҳ болаларида тана вазни ўртача  $+0,8$  –  $1,0$  кг га ошган, бу эса 3–4 ҳафта (ўртача  $3,3\pm0,02$  ҳафта) ичидаги операциядан олдинги күрсаткичларга қайтиш имконини берган. Таққослаш гуруҳида тана вазни ўсиши анча паст бўлиб, ўртача  $+0,4$  –  $0,5$  кг ( $p<0,05$ ) ни ташкил этган, операциядан олдинги даражагача тикланиш 6–8 ҳафта (ўртача  $7,4\pm0,04$  ҳафта) давом этган.

Кардиохирургик операциядан 3 ой ўтгач, асосий гуруҳ болаларида тана вазни ёшга мос норматив кўрсаткичларгача тикланган. –1 СО – –2 СО ва –2 СО – –3 СО оралиғидаги тана вазнига эга болалар улуши мос равишида 5,9% ва 2,0% гача камайган, ҳолбуки таққослаш гуруҳида бу кўрсаткичлар 16,7% ва 11,9% бўлиб, фарқ статистик жиҳатдан ишончли эканлиги аниқланган ( $p<0,01$ ).

Юрак фаолияти барқарорлашганидан ва қон айланиши нормага келгандан сўнг, ТЮНли болаларда бўй ўсиш суръати тезлашиши кузатилади. Операциядан кейин 3 ой ўтгач, болаларнинг ўртача бўй узунлиги  $0$  –  $1,0$  СО оралиғига етган ва асосий гуруҳ болаларининг 71,6% да медиана қийматларгача тикланган, ҳолбуки таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич 52,4%ни ташкил этган. Бу эса икки гуруҳ болалари орасида ўсиш суръатлари бўйича ишончли фарқ мавжудлигини кўрсатади ( $p<0,05$ ).

Юрак нуқсони тузатилгандан сўнг системали оксигенация нормаллашади, натижада гипоталамо-гипофиз-соматотроп тизими иши фаоллашади ва бўй ўсиш жараёнлари тезлашади. Асосий гуруҳда ўсишнинг тез тикланиши шуни кўрсатади, операциягача бўлган даврда болани тўғри олиб бориши ва нутритив тайёргарлик операциядан кейинги тўлиқ жисмоний

ривожланиш учун замин яратади. Шунинг учун ўз вақтида нутритив коррекция ва метаболик тайёргарлик бўй ўсиш ва соматик тикланишнинг узоқ муддатли самарадорлигини таъминлайдиган муҳим омиллар ҳисобланади.

ТЮНли болаларнинг ҳар икки гуруҳида ҳам кузатув даврида мувозанатлашган ТВИ кўрсаткичларига эга болалар улуши кўпайган, бироқ бу ижобий динамика статистик жиҳатдан сезиларли даражада асосий гуруҳда аникроқ намоён бўлган. З ойлик динамик кузатувдан сўнг, асосий гуруҳда ўртача ифодаланган нутритив етишмовчилик ( $-1\text{ CO}$  –  $2\text{ CO}$ ) бўлган болалар улуши 5,8% га камайган (17,6% дан 11,8% гача), ҳолбуки таққослаш гуруҳида, аксинча, шу диапазондаги ТВИ кўрсаткичли болалар улуши 2,4% га ортиб борган (19,0% дан 21,4% гача).

Асосий гуруҳдаги болаларда ТВИ пасайиши анча кам бўлган, бу эса бошланғич нутритив ҳолатнинг яхши бўлиши ва операциядан кейинги даврда энтерал озиқланишни эрта бошлаш билан изоҳланади. Таққослаш гуруҳида эса ТВИ пасайиши анча яққол ифодаланган бўлиб, бу ҳолат бошланғич оқсил-энергетик етишмовчилик ҳамда нутритив қўллаб-қувватлашни кеч бошлаш билан боғлиқ.

З ойлик динамик кузатув натижаларига кўра, асосий гуруҳ болаларида барча клиник тоифалар бўйича шикоятларнинг сезиларли даражада камайиши кузатилган, ҳолбуки таққослаш гуруҳида бу яхшиланиш анча сустроқ намоён бўлган. Жумладан, жисмоний ҳаракат ёки эмизиш вақтидаги нафас қисилиши асосий гуруҳда 85,3% дан 13,7% гача пасайган, таққослаш гуруҳида эса 35,7% ни ташкил этган ( $\chi^2=11,42$ ;  $p<0,01$ ). Чарчоқ ва юкламага толерантликнинг пасайиши асосий гуруҳда 77,5% дан 18,6% гача камайган, таққослаш гуруҳида эса 40,5% гача тушган ( $\chi^2=7,58$ ;  $p<0,01$ ). Иштаҳа пастлиги ва эмизишга қийналишлар асосий гуруҳда 17,6%, таққослаш гуруҳида 38,1% ни ташкил этган ( $\chi^2=6,49$ ;  $p<0,05$ ), ҳолбуки дастлаб бу кўрсаткичлар 70,6% ва 71,4% бўлган ( $p>0,05$ ). Тери ва шиллиқ қаватларнинг цианози З ойдан кейин асосий гуруҳда 6,9%, таққослаш гуруҳида 21,4% ни ташкил этган ( $\chi^2=5,91$ ;  $p<0,05$ ), бошланғич босқичда эса 66,7% ва 69,0% бўлган. Нафас йўллари инфекцияларининг тез-тез қайталаниши З ойдан кейин асосий гуруҳда 19,6%, таққослаш гуруҳида 40,5% ни ташкил этган ( $\chi^2=7,03$ ;  $p<0,05$ ), ҳолбуки дастлаб бу кўрсаткичлар 60,8% ва 61,9% бўлган. Шундай қилиб, олинган натижалар шуни кўрсатадики, ишлаб чиқилган ТЮНли болаларни олиб бориш усули операциядан кейинги дастлабки З ой ичидаги гипоксемия, юрак етишмовчилиги ва инфекцион асоратлар клиник белгиларнинг сезиларли даражада камайишига ёрдам беради.

Тана вазни ортишида кечикиш асосий гуруҳ болаларининг 21,5% да, таққослаш гуруҳида эса 42,8% ҳолларда сақланган ( $\chi^2=8,13$ ;  $p<0,01$ ). Юрак етишмовчилиги белгиси сифатидаги эмизиш вақтидаги терлаш асосий гуруҳда 56,9% дан 11,8% гача камайган, ҳолбуки таққослаш гуруҳида фақат 33,3% гача тушган ( $\chi^2=7,24$ ;  $p<0,01$ ). Безовталиқ ва уйқу бузилишлари ҳар икки гуруҳда ҳам камайган, бироқ гуруҳлар орасидаги фарқ статистик аҳамиятга эга бўлмаган (17,6% ва 28,6%;  $p > 0,05$ ). З ойлик кузатув натижаларига кўра, асосий гуруҳ болаларида кўпчилик клиник белгиларнинг аниқ камайиши қайд этилган. Нафас қисилиши частотаси асосий гуруҳда 85,3% дан 13,7% гача пасайган, ҳолбуки таққослаш гуруҳида фақат 35,7% гача тушган, бу эса нутритив қўллаб-қувватлаш қўлланилганда юрак-нафас фаолиятининг тезроқ компенсацияланишини кўрсатади ( $\chi^2=11,42$ ;  $p<0,01$ ).

З ойлик динамик кузатувдан сўнг тахипноэ асосий гуруҳ болаларининг 10,8% да, таққослаш гуруҳида эса 21,4% ҳолларда аниқланган ( $\chi^2=4,17$ ;  $p<0,05$ ), бу эса ТЮНли болаларни юритиш усулининг афзаликларини тасдиқлайди. ТЮНли болаларда оксигенациянинг аниқ яхшиланиши қайд этилган, айниқса асосий гуруҳда: цианоз асосий гуруҳда 6,9%, таққослаш гуруҳида эса 21,4% гача пасайган ( $\chi^2=5,91$ ;  $p<0,05$ ). З ойдан кейин II–III функционал синфдаги юрак етишмовчилиги (ЮЕ) белгилари фақат асосий гуруҳ болаларининг 12,7% ида сақланган, таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич 33,3% бўлган ( $\chi^2=8,21$ ;  $p<0,01$ ). Жигар ҳажмининг нормага келиши ҳам асосий гуруҳда аниқроқ ифодаланган - симптом фақат 5,9% болаларда сақланган, таққослаш гуруҳида 19,0% бўлган ( $\chi^2=6,87$ ;  $p<0,01$ ).

ТЮНли эрта ёшдаги болаларни операциягача олиб бориш усули қўлланилгандан 3 ой ўтгач, ҳар икки гуруҳда ҳам клиник ҳолатнинг яхшиланиши қайд этилган, бироқ асосий гуруҳ болаларида симптомлар регрессияси анча яққол ва статистик жиҳатдан ишончли даражада ифодаланган. Юрак етишмовчилиги белгилари (нафас қисилиши, тахипноэ, терлаш, жигар катталашиши)нинг камайиши гемодинамик барқарорликнинг тикланганинг жисмоний ривожланишдаги кечикишнинг камайиши эса метаболик ҳолатнинг яхшиланиши ва нутритив таъминотнинг етарли эканлигини кўрсатади.

Кузатув динамикасининг натижаларига қўра ЭКГ кўрсаткичлари шундан далолат бердики, синус тахикардияси асосий гуруҳда 66,7% дан 17,6% гача, таққослаш гуруҳида эса 33,3% гача пасайган ( $\chi^2=5,61$ ;  $p<0,05$ ), бу эса юракнинг қисқариш функцияси яхшиланганини ва юкланиш пасайганини акс эттиради. Ўнг қоринча гипертрофияси белгилари асосий гуруҳда деярли 3 марта камайиб, 21,5% гача, таққослаш гуруҳида эса фақат 1,8 марта камайиб, 40,5% гача тушган ( $\chi^2=6,43$ ;  $p<0,05$ ). Чап қоринча гипертрофияси белгилари асосий гуруҳдаги болаларнинг 11,8% ида, таққослаш гуруҳида эса 26,2% ҳолларда сақланган ( $\chi^2=4,87$ ;  $p<0,05$ ).

#### 14-жадвал

#### ТЮНли болаларда даволашгача ва даволашдан кейинги ЭКГда патологик ўзгаришлар учраш частотаси (n, %)

ЭКГ-кўрсатичлар	Дастлабки маълумотлар			Операциядан кейин 3 ойдан сўнг		
	Асосий гуруҳ (n=102)	Таққослаш гуруҳи (n=42)	p*	Асосий гуруҳ (n=102)	Таққослаш гуруҳи (n=42)	p*
Синусли тахикардия	68 (66,7%)	27 (64,3%)	>0,05	18 (17,6%)	14 (33,3%)	<0,05
Ўнг қоринча гипертрофияси белгилари	74 (72,5%)	30 (71,4%)	>0,05	22 (21,5%)	17 (40,5%)	<0,05
Чап қоринча гипертрофияси белгилари	39 (38,2%)	16 (38,1%)	>0,05	12 (11,8%)	11 (26,2%)	<0,05
Юрак электр оқининг ўнгга оғиши	61 (59,8%)	25 (59,5%)	>0,05	14 (13,7%)	12 (28,6%)	<0,05
Коринча ичи ўтказувчанинг бузилишлари	33 (32,4%)	13 (31,0%)	>0,05	9 (8,8%)	8 (19,0%)	<0,05
I-даражали атриовентрикуляр блокада	18 (17,6%)	8 (19,0%)	>0,05	5 (4,9%)	6 (14,3%)	>0,05
Реполяризация бузилишлари (ST-T ўзгаришлари)	47 (46,1%)	19 (45,2%)	>0,05	16 (15,7%)	14 (33,3%)	<0,05

Юрак электр ўқининг ўнгга оғиши асосий гурух болаларининг 13,7% ида, таққослаш гурухида эса 28,6% ҳолларда қайд этилган ( $\chi^2=4,63$ ;  $p<0,05$ ). Реполяризация бузилишлари асосий гурухда 15,7% гача, таққослаш гурухида эса 33,3% гача камайган ( $\chi^2=5,16$ ;  $p<0,05$ ), бу эса миокард метаболизмининг яхшиланганини кўрсатади. Ўтказувчанлик бузилишлари ва I даражали атриовентрикуляр блокада (АВ-блокада) камроқ учраган, бироқ статистик аҳамиятли фарқ фақат ўтказувчанлик бузилишлари учун аниқланган (8,8% га нисбатан 19,0%;  $p<0,05$ ), ҳолбуки АВ-блокада частотаси паст бўлиб, гурухлар ўртасидаги фарқ статистик аҳамият касб этмаган ( $p > 0,05$ ).

Шундай қилиб, операциягача бўлган даврда ТЮНли болаларни оптимал олиб бориш усули нафақат тана вазни ошиши ва умумий тикланишга, балки миокарднинг тузилмавий ва функционал кўрсаткичларининг яхшиланишига ҳам ёрдам берди. Бу ўзгаришлар юрак камералари ҳажмининг тезроқ қисқариши, гипертрофия ва клапан регургитациясининг камайиши орқали намоён бўлди.

Биокимёвий таҳлиллар жарроҳлик аралашувигача, операциядан кейинги 7–10 кунликда ва операциядан 1 ой ўтгач амалга оширилди.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турганидек, жарроҳлик амалиётидан кейин умумий оқсил даражасида вақтинчалик (транзитор) пасайиш ҳар икки гурухда ҳам кузатилган, аммо бу ўзгариш асосий гурухда камроқ ифодаланган (тегишлича  $-8,5\%$  ва  $-12,3\%$ ;  $p<0,05$ ).

## 15-жадвал

### Кузатув босқичида ТЮНли болаларда лаборатор кўрсаткичлар динамикаси

Кўрсаткич	Гурух	Операциядан олдин	Операциядан кейинги 7–10 кун	Операциядан кейин 1 ойдан сўнг
Умумий оқсил, г/л	Асосий	$63,4\pm2,8$	$58,0\pm2,5\downarrow$	$69,1\pm2,6^{*\wedge}$
	Таққослаш	$57,6\pm2,5$	$54,2\pm2,4\downarrow$	$63,0\pm2,5$
Альбумин, г/л	Асосий	$37,2\pm1,9$	$34,0\pm1,8\downarrow$	$41,3\pm1,9^{*\wedge}$
	Таққослаш	$32,4\pm1,8$	$30,1\pm1,8\downarrow$	$36,5\pm1,8$
Гемоглобин, г/л	Асосий	$106,8\pm3,4$	$101,2\pm3,5\downarrow$	$120,5\pm3,6^{*\wedge}$
	Таққослаш	$100,2\pm3,5$	$98,0\pm3,4$	$112,0\pm3,5$

Изоҳ: \* - операциягача бўлган кўрсаткичларга нисбатан ишончли фарқлар ( $p<0,05$ );  $\downarrow$  - операциядан кейинги илк даврда кўрсаткичнинг транзитор пасайиши (катаболик фаза);  $^{*\wedge}$  - гурухлар орасидаги маълумотлар ишончлилигини кўрсатади.

1 ойдан сўнг асосий гурухда умумий оқсил даражаси тўлиқ тикланиб, ҳатто бошланғич кўрсаткичдан юқори бўлган ( $69,1\pm2,6$  г/л;  $p<0,001$  бошланғичга нисбатан), ҳолбуки таққослаш гурухида у фақат  $63,0\pm2,5$  г/л гача етган ( $p<0,05$  асосий гурухга нисбатан). Альбумин миқдори ҳам амалиётдан кейин пасайган, лекин пасайиш миқдори асосий гурухда 9%, таққослаш гурухида эса 12% ни ташкил этган ( $p<0,05$ ). Бир ойдан сўнг асосий гурухда альбумин кўрсаткичлари тўлиқ тикланган ва яхшиланган ( $41,3\pm1,9$  г/л), ҳолбуки таққослаш гурухида альбумин даражаси пастлигича қолган ( $36,5\pm1,8$  г/л;  $p<0,05$  гурухлар орасида). Операциядан кейинги даврда гемоглобин кўрсаткичлари операциявий стресс фонида пасайган, бироқ бу пасайиш

таъққослаш гуруҳида анча ифодаланган ( $-8\%$  га қарши  $-5\%$  асосий гуруҳда;  $p<0,05$ ). Операциядан 1 ой ўтгач, ТЮНли болаларда асосий гуруҳда гемоглобин даражаси нормаллашган ( $120,5\pm3,6$  г/л) ва таққослаш гуруҳида пастроқ бўлиб қолган ( $112,0\pm3,5$  г/л;  $p<0,01$  гуруҳлар орасида). Жарроҳлик амалиётидан кейин D витамини даражаси ҳам катаболизм ва яллиғланиш жавоби фонида вақтинчалик пасайган, бироқ асосий гуруҳда бу пасайиш анча енгил бўлган. Операциядан 1 ой ўтгач, ТЮНли болаларда D витамини даражаси барқарор ўсиш билан  $33,4\pm1,5$  нг/мл га етган, ҳолбуки таққослаш гуруҳида у фақат  $26,5\pm1,4$  нг/мл ни ташкил этган ( $p<0,001$  гуруҳлар орасида). Олинган маълумотлар 18-жадвалда келтирилган.

## 16-жадвал

### Кузатув босқичида ТЮНли болаларда биокимёвий кўрсаткичлар динамикаси

Кўрсаткич	Гурух	Операциядан олдин	Операциядан кейинги 7–10 кун	Операциядан кейин 1 ойдан сўнг
D витамини, нг/мл	Асосий	$18,7\pm1,2$	$26,8\pm1,4^*$	$33,4\pm1,5^*$
	Таққослаш	$18,2\pm1,3$	$20,5\pm1,3^{\wedge}$	$22,5\pm1,4^{*\wedge}$
Соматомедин С (IGF-1), нг/мл	Асосий	$72,4\pm6,6$	$115,2\pm7,0^*$	$148,6\pm7,4^*$
	Таққослаш	$71,8\pm6,3$	$82,4\pm6,5^{\wedge}$	$118,4\pm6,8^{*\wedge}$
NT-proBNP, пг/мл	Асосий	$1450\pm52,0$	$680,5\pm52,3^*$	$240,4\pm32,5^*$
	Таққослаш	$1415\pm60,1$	$990,3\pm58,6^{\wedge}$	$530,6\pm38^{\wedge}$

Изоҳ: \* – операциядан олдинги даражага нисбатан ишончли фарқлар ( $p<0,05$ );  $\wedge$  – гуруҳлар орасида маълумотларнинг ишончлилиги ( $P<0,05-0,01$ )

Операциядан кейин ТЮНли болаларда NT-proBNP даражаси асосий гуруҳда тезроқ меъёрга келган ( $680,5\pm52,3$  пг/ таққослаш гуруҳида мл  $990,3\pm58,6$  пг/мл;  $p<0,01$ ). Операциядан 1 ой ўтгач, асосий гуруҳда барқарор пасайиш кузатилган –  $240,4\pm32,5$  пг/мл, таққослаш гуруҳида кўрсаткичлар анча юқори бўлиб қолган -  $330\pm38$  пг/мл ( $p<0,001$  гуруҳлар орасида).

Соматомедин С гипофиз-жигар ўқи фаоллигини акс эттиради ва анаболик жараёнларни рагбатлантиради, чизиқли ўсишни таъминлайди. Операциягача асосий гуруҳ болаларида нутритив қўллаб-қувватлаш ҳисобига соматомедин С даражаси деярли  $40\%$  га ошган ( $115,2$  нг/мл;  $p<0,01$ ), таққослаш гуруҳида ўсиш фақат  $+13\%$  ни ташкил этган ( $p>0,05$ ). Операциядан кейинги 7–10-кунларда ҳар икки гуруҳда катаболик стресс фонида соматомедин С даражасининг вақтинчалик пасайиши кузатилган, бироқ асосий гуруҳда бу пасайиш анча суст бўлган ( $-14\%$ , таққослаш гуруҳида  $-20\%$ ;  $p<0,05$ ).

Шундай қилиб, ТЮНли болаларни операциягача комплекс олиб бориш усули операцияга тайёргарлик босқичидаёқ оқсил-энергетик, витамин ва метаболик ҳолатни сезиларли даражада яхшилайди ( $p<0,05-0,01$ ). Операциядан кейинги дастлабки даврда асосий гуруҳ болаларида катаболик йўқотишлиар анча кам ифодаланган (оқсил ва альбумин бўйича  $p<0,05$ ). Операциядан 1 ой ўтгач, асосий гуруҳда кўпчилик биокимёвий кўрсаткичларнинг барқарор нормаллашуви кузатилган: умумий оқсил, альбумин, гемоглобин, витамин D ва соматомедин С даражалари ишончли равишда юқори, NT-proBNP эса анча паст бўлган ( $p<0,001$  таққослаш гуруҳига нисбатан). Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар операциягача нутритив қўллаб-

кувватлашнинг самарадорлигини тасдиқлайди: Витамин D (3000 ЕД), Probio Plus DDS №3 (1/2капсуладан суткасига 2 махал)ва Триметабол (ёшга мос дозада - 2,5 мл, кунига 3 марта) қўлланиши метаболик захираларни оширади, компенсацион имкониятларни кенгайтиради ва ТЮН ли болаларда юрак функциясининг тизимли тикланишига ижобий таъсир кўрсатади.

## ХУЛОСА

1. ТЮНли эрта ёшдаги болаларда анемия (44,1% ва 40,5%), ООЭЕ (31,4% ва 30,9%) ҳамда сурункали гипоксия белгилари (37,3% ва 35,7%) юқори частотада қайд этилган. Шунингдек, психомотор ривожланишда кечикиш (18,6% ва 16,7%) ҳамда юқори инфекцион касалланиш ҳолатлари (36,3% ва 35,7%) ҳам аниқланган. Туғма юрак нуқсонлари билан туғилган болаларга тана вазнининг ортиши сезиларли даражада кечикиши (44,1% ва 40,5%), бўй узунлиги/ўсиш (23,5% ва 26,2%) ва ТВИ (71,4% и 68,7%) бўйича орқада қолиш хос бўлиб, бу эмизикли даврдаёқ бошланади ҳамда гемодинамик бузилишлар шароитидаги сурункали нутритив етишмовчилик ва юқори энергия сарфини акс эттиради.

2. ТЮНли болаларнинг 82,3%ида Д витамини танқислиги ва етишмаслиги аниқланган (мос равищда  $18,7 \pm 6,5$  нг/мл ва  $32,8 \pm 8,4$  нг/мл;  $p < 0,001$ ), бу болаларнинг ёши билан ( $r = -0,32$ ;  $p = 0,001$ ) ва ТВИ билан ( $r = 0,48$ ;  $p = 0,004$ ) статистик жиҳатдан боғлиқ. ТЮНли болаларнинг 62,7%ида соматомедин С миқдорининг назорат гуруҳига (10,0%,  $p < 0,001$ ) нисбатан ишончли паст даражаси аниқланди (мос равищда  $72,4 \pm 6,6$  нг/мл ва  $138,5 \pm 24,2$  нг/мл). D витаминининг ўзи етишмаганда, яъни соматомедин С миқдори меъёрда бўлгандан ТЮНли болаларда жисмоний ва соматик ҳолат бузилишлари хавфини 2,7 баравар оширши исботланди ( $OR = 2,7$ ;  $p = 0,04$ ), шунингдек, D витамини меъёрда бўлиб, соматомедин С миқдорининг пасайиши ҳам ривожланиш орқада қолиш эҳтимолини 3,9 баравар оширади ( $OR = 3,9$ ;  $p = 0,01$ ). Бироқ, уларнинг бир вақтда пасайиши салбий таъсирни қарийб 9 бараварга кучайтиради.

3. Аниқланишича, NT-proBNP даражаси қанчалик юқори бўлса, шунчалик тана вазни танқислиги ( $r = -0,46$ ;  $p < 0,001$ ), бўйнинг пастлиги ( $r = -0,39$ ;  $p < 0,001$ ), ТВИнинг пасайиши ( $r = -0,52$ ;  $p < 0,001$ ) ва оқсил-энергетик етишмовчилик белгилари яққолроқ намоён бўлади. NT-proBNPнинг юқори даражаси ( $> 1500$  пг/мл) жисмоний ривожланишнинг кечикиши учун мустақил предиктор бўлиб чиқди ва хавфни қарийб 7 баробар оширди. NT-proBNP ва витамин D кўрсаткичлари ўртасидаги тескари корреляция ( $r = -0,36$ ) D витаминининг юрак етишмовчилиги оғирлигини кўрсатувчи билвосита биомаркер сифатидаги аҳамиятини тасдиқлайди. Шунингдек, соматомедин С ва NT-proBNP ўртасидаги тескари боғланиш ( $r = -0,48$ ) гемодинамик юкланишнинг анаболик жараёнларни сусайтирувчи тўғридан-тўғри таъсирини акс эттиради, бу эса ўсишнинг секинлашиши ва трофик статуснинг пасайишига олиб келади.

4. ТЮН ли болаларни кардиохирургик аралашувгача бўлган даврида олиб бориши усули таркибига D витамини (3000 ХБ), Probio Plus DDS №3 ва Триметабол (ёшга мос дозада - 2,5 мл, кунига 3 марта)ни қўллаш метаболик захираларни мустаҳкамлаш, компенсатор имкониятларни ошириш ҳамда юракнинг функционал тикланиш жараёнларига ижобий таъсир кўрсатади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
МЕДИЦИНСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**АБДУРАХМАНОВА ДИЛНОЗА ФУРКАТОВНА**

**ОПТИМИЗАЦИЯ ТАКТИКИ ВЕДЕНИЯ ДЕТЕЙ РАННЕГО  
ВОЗРАСТА С ВРОЖДЁННЫМИ ПОРОКАМИ СЕРДЦА ДО  
КАРДИОХИРУРГИЧЕСКОГО ВМЕШАТЕЛЬСТВА**

**14.00.09 – Педиатрия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2025**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инновации Республики Узбекистан за B2022.1.PhD/Tib2438**

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Акрамова Хурсаной Абдумаликовна**  
доктор медицинских наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Шамансурова Элмира Амануллаевна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Куртиева Шадия Асановна**  
доктор медицинских наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Самаркандский государственный  
медицинский университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» 2025 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 при Ташкентском государственный медицинский университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz).).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре государственный медицинский университета (зарегистрирована за №\_\_\_\_\_.) (Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223.Тел.: (+99871) 262-33-14).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» 2025 года  
(Реестр протокола рассылки №\_\_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» 2025 года).

**А.В. Алимов**

Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.м.н., профессор

**Т.А.Набиев**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.м.н., доцент

**К.Н. Хайтов**

Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению учёных степеней,  
д.м.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Во всем мире увеличивается число детей, рождающихся с аномалиями сердца и сосудов, а проблема снижения смертности и улучшения качества жизни среди них остается актуальной в педиатрии. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «...от пороков развития в течение первых 4 недель жизни ежегодно умирают 303 000 детей. Пороки развития могут приводить к длительной инвалидности, что оказывает значительное воздействие на отдельных людей, их семьи, системы здравоохранения и общество...»<sup>1</sup>. При этом, ВПС занимают одну треть всех врожденных пороков развития и встречаются с частотой 8-12 на 1000 живорожденных детей. Востребованность кардиохирургической помощи у детей не вызывает никаких сомнений. Проблема снижения летальности и улучшения прогноза жизни новорожденных с аномалиями развития сердца и сосудов всегда была наиболее актуальной и трудно решаемой в педиатрии и остается таковой сегодня. По мере накопления опыта совершенствовались тактика и методы лечения, определялись строгие показания к выполнению того или иного типа операции. Для детей с ВПС характерны особенности развития, в основе которых лежит патология сердечно-сосудистой системы. Тип, тяжесть ВПС, возраст коррекции порока и ряд других факторов оказывают непосредственное влияние на выраженность его не кардиологических осложнений, таких как нарушения физического и соматического развития, обусловленных особыми условиями адаптации детского организма в условиях ВПС.

В мире проводится ряд научных исследований, направленных на оптимизацию тактики ведения детей раннего возраста с врожденными пороками сердца до кардиохирургического вмешательства. В связи с этим, проведение дальнейших исследований, направленных на изучение клинико-функциональных и лабораторных характеристик, влияющих на адаптационные возможности организма детей в послеоперационном периоде при ВПС с учетом содержания витамина Д и соматомедина С как маркеров адаптации организма ребенка в послеоперационном периоде, что приобретает особое научное и практическое значение.

В нашей стране проводится большая работа по совершенствованию системы здравоохранения и социальной защиты населения, адаптации медицинской системы к требованиям мировых стандартов, ранней диагностики, лечения и профилактики заболеваний. В поднятии уровня медицинского обслуживания населения на новый уровень были определены задачи, направленные по «...улучшению качества первичной медико-санитарной помощи, оказываемой населению, поддержке и повышению эффективности деятельности медицинских работников...»<sup>2</sup>. При реализации этих задач приоритетным направлением остается изучение клинико-патогенетических особенностей адаптации ребенка до и после кардиохирургических вмешательств на фоне ВПС, обоснование оптимизации

---

<sup>1</sup> <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/congenital-anomalies>

<sup>2</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-215 от 25 апреля 2022 года «О дополнительных мерах по приближению первичной медико-санитарной помощи к населению и повышению эффективности оказания медицинских услуг»

тактики ведения детей раннего возраста с ВПС до кардиохирургического вмешательства.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-6221 от 5 мая 2021 года «О последовательном продолжении осуществляемых в системе здравоохранения реформ и создании необходимых условий для повышения потенциала медицинских работников»; №УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-215 от 25 апреля 2022 года «О дополнительных мерах по приближению первичной медико-санитарной помощи к населению и повышению эффективности оказания медицинских услуг», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** По данным Всемирной организации здравоохранения, исследования ученых по всему миру показывают, что врожденные пороки сердца (ВПС) - это одни из самых частых врожденных аномалий, которые наносят ущерб их здоровью и нередко приводят к инвалидизации (Игнатьева А.В. и соавт., 2020; Замараева Д.В. и соавт., 2021). Поскольку преимущественно в раннем возрасте происходят интенсивный рост и развитие детей (Бокерия Е.Л., 2020), основным критерием оценки формирования их здоровья является физическое развитие (Демикова Н.С., Кобринский Б.А., 2016; Драпкина О. М. и соавт., 2020). Коморбидная патология и нарушение физического развития относится к факторам операционного риска и определяется у 30% детей с врожденными пороками сердца (Клайдайтер У.С., 2022), что является значительными факторами риска в отношении утяжеления течения основного заболевания (Кудаяров Д. К. и соавт., 2016; Самсыгина Г.А, Щербакова М.Ю., 2018; Коваленко А.А. и соавт., 2021). Любые нарушения соматического и физического статуса всегда сопровождаются изменением не только местного, а также и общего иммунитета организма (Милиевская Е.Б., 2016; Нелунова Т. И. и соавт., 2018; Самолюк М.О., Григорьева Н.Ю., 2019).

В настоящее время появляется все больше данных о плеiotропном действии витамина D, в т. ч. касающихся его влияния на организм детей с ВПС. Витамин D играет важную роль в функционировании многих органов и систем человеческого организма. (McNally J.D. et al., 2018; Dohain A.M. et al., 2020) Рецепторы к витамину D были обнаружены во всех основных типах клеток сердечно-сосудистой системы (ССС), включая клетки гладких мышц сосудов, эндотелиальные клетки, кардиомиоциты, большинство иммунных клеток и тромбоциты. (Passeri E. et al., 2016; Ye X. et al., 2021)

Оптимальное содержание кальцидиола в крови способствует нормальному функционированию эндотелия, поддержанию сосудистого тонуса, баланса между тромбооб-разованием и фибринолизом, сократимости кардиомиоцитов, обеспечению физиологических провоспалительного и иммунного ответа в ткани стенок сосудов. Также имеются данные, что

высокие уровни витамина D в сыворотке крови связаны с оптимальным липидным профилем. (Graham E.M. et al., 2017; Dohain A.M. et al., 2020). Формирование сердечной недостаточности при ВПС является фактором, определяющим клиническое течение, качество и продолжительность жизни у детей с данной патологией. С целью ранней диагностики и прогнозирования течения хронической сердечной недостаточности (ХСН) в настоящее время используют определение уровня натрийуретического пептида типа B (B-type natriuretic peptide; BNP), который имеет возрастные различия. Иметь объективный инструмент оценки степени поражения сердечно-сосудистой системы особенно важно у детей раннего возраста, когда имеет место малосимптомность клинических проявлений ХСН и субъективность интерпретации разными специалистами. (Бабаченко И.В. и соавт., 2020; Passeri E, et al., 2016)

